

Абдураҳмон Ортиқов  
Абдуғаффор Ортиқов

НУТҚ МАДАНИЯТИ  
ВА  
НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Тошкент - 2002

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯ**

Абдураҳмон Ортиқов  
Абдуғаффор Ортиқов

**НУТҚ МАДАНИЯТИ  
ВА  
НОТИҚЛИК САНЪАТИ**

Тошкент 2002

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси Тахририяти-ноширлик  
Кенгашида маъқулланган

Ортиков А., Ортиков А.  
НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИКЛИК САНЬАТИ: Үқув-методик  
кулланма. – Т.:, 2002. – 75 б.

ББК

Кўлланмала нутқ маданияти ва нотиклик санъатининг тарихий ва  
фоявий илдизлари, Марказий Осиёда ўрга аср воизлик санъати, нутқ  
маданияти ва нотиклик санъатининг асосий усуллари, хозирги даврда  
педагогнинг нутқ маданиятига ва шахсан ўзига қўйиладиган асосий  
талаблар кўриб чиқилади.

Олий таълим муассасаларининг педагоглари, раҳбарлари ва,  
умуман, нутқ маданияти ва нотиклик санъати билан қизиқувчи барча  
китобхонларга мўлжалланган.

Такризчилар: фалсафа фанлари доктори,  
профессор А.Э.Абдусамедов;  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор Н.Ф.Фоипов.

*Мархум бувамиз Мұлла Құшоқбек ота Ортиқбек үғли  
хотирасига бағишлиңган*

## **Әслатма учун**

## МУҚАДДИМА

Олай мактаб үқитувчиси чукур билимли, юксак педагогик қобилиятли, нутқ маданиятини, айниқса нотиклик санъатини эгаллаган булиши лозим. Одатда талабалар, аспирантлар педагогга ўта талабчан, танқидий күз билан қарайдилар. Биринчи учрапувдаёк унинг педагогик маҳоратига, билим савиясига, ўзини тутиши, ташки киёфаси, гап-сўзи, талабалар билан муомаласига қараб ҳукм чиқарадилар. Шу боис педагогдан ширинасуз, хушмуомала, гапга чечан булиш талаб этилади. Үқитувчининг лекцияси мазмунли, мантиқан изчил, равон, услуби жихатдан хаммабоп, тингловчини ўзига жаіб этадиган, таъсирчан ва ёқимли булиши зарур.

Лекцияда, албатта, энг муҳими илмий савиясининг юкори, мазмунининг чукур булишида. Бироқ унинг таъсири, самараси, тингловчилар хотирасида қанчалик узоқ сакланиши, уларнинг онгига сингиб, унтуилмас из қолдириши үқитувчининг нутқ маданиятига боғликлигини доим ёдда тутиш керак. Лекция материали унинг мазмуни бўлса, нутқ маданияти унинг шаклидир. Мазмунсиз шакл қуруқ, пуч, асоссиз; шаклсиз мазмун эса – хунук, бадбашара, кўримсиз, таъсирсиздир.

Нутқ сўзлаш, жумладан, лекция үқиши – шарафли, айни вақтда, мураккаб ва масъулиятли иш. Ҳар қандай лекция муайян мавзуга бағишланган, мақсадга йўналтирилган, талабаларга маъқул ва манзур булиши керак, қалбига ҳузур бағишлиб, бой маънавий озиқ бериши, аклини пешлаши; талабага ибрат буладиган сабоқ бериши лозим.

Бир француз олими: “Фаннинг чегараси гуё уфққа ўхшайди, унга қанчалик яқинланшаверсан, у шунчалик узоқлашаверади”, деган экан. Шунга ўхшаб, нутқ маданияти, айниқса, нотиклик санъати ҳам ниҳоятда ческин. Истиклол туфайли жамиятимизнинг асосан ўрта ва катта ёшдаги аъзолари орасида ширинасуханлик, хушмуомалалик, сўзамоллик ва мулойимлик энг юксак инсоний фазилатлардан бири сифатида тобора кўпроқ, кенгроқ қарор топиб бормоқда, нутқ маданияти, нотиклик санъати ривожланмоқда.

Нутқ, “Узбек совет энциклопедияси”да таъкидланғаннан дей, тағаккур қилишда, фикр юритишида, мұлқотда тилдан, сүзден фойдаланиш жараёни, жамият вужулға көлтирган үзаро фикр алмашиш воситасининг ҳар бир кишине (индивидуі) хос шаклий куринишидір<sup>1</sup>. Нутқ маданияти нутқнин адағын тил қондатарига асосланған, муайян талаб өле усуспарға буйсунған ҳолда намоён булишидір. У нотиқлик санъеттініш мухим гаркибий қисми булиб, асосий талаби нутқни илмий, сермагымуи, инік, равшан, тиник, равон, тұғри, тәсирли, бадиий, мантиқи, жарандор бағын этишдан иборат. Бунинг учун нутқ, аввало, адағын тил қонун-қондатарига тулық жавоб беріши лозим.

Нутқ маданияти якка шахслар нутқи орқали намоён булалығын ижтимоий ҳодисадыр. У инсоният, жамият, илм-фан, техника тараққиеті билан боғылған ҳолда шаклланады ва ривожланады.

Инсон маданияти, унинг илмий савиғаси, маънавий бойлигига мутаносиб равищда юксалиб бораверади. Бу юксалиш эса ҳамиша диалектикадаги микдор үзгаришларининг сиғат үзгаришларига үтиши, қарама-қаршиликтер бирлиги ва кураши, инкорни инкор каби қонунларга мувоғиқ содир бўлади. Бу жараёнда үзбек халқи алломаларининг, ёзувчилар, сўз усталари, нашриёт ва матбуот ҳодимларининг хизмати ғоят катта.

Үзбек адабий тили ва нутқ маданияти буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий фаолиятида сайқал топған. Үша даврларда ёк унинг үзига хос қоида, меъёр, талаб ва хусусиятлари мавжуд бўлган. Кейинги даврларда яшаган Бобур, Муҳаммад Солих, Гулханий, Увайсий, Нодира, Машраб, Мукимий каби сўз усталарининг асарларида илгариги давр нутқ маданияти меъёрлари, сухандонлиги муайян даражада акс этган.

Асримизнинг 20–30-йилларида адабиёт ва маънавият майдонига кириб келган Фитрат, Қодирий, Чулпон, Беҳбудий, Ҳамза, Боту, Авлоний, Усмон Носир, Элбек, Ойбек,Faфур Ғулом, Шайхзода каби адаб ва алломалар нутқ маданиятини амалиётда устириш

<sup>1</sup> Карап: Узбек совет энциклопедияси. Т. 8. - Т.. 1976. 88-6.

билан бирга, нацийи жихатдан асослаганилар ҳам. Уларнинг анъаналарини О. Ҳошим, Қори Ниёзий, F. Олим, А. Фулом, X. Олимжон, А. Каҳхор, Уйғун, Файратий, Миртемир ва бошқалар давом эттириллар. Бу хайрли ишга давлат ва жамоат арбобларидан Ф. Ҳужаев, А. Икромов, Й. Охунбобоев, У. Юсупов, Н. Мухиддинов, файласуф академиклар В. Зоҳидов, И. Муминов улкан ҳисса қўшиллар. Эндиликда уларнинг анъаналарини шогирдлари, издошлари давом эттираётирлар.

# I боб. НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЬАТИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ФОЯВИЙ ИЛДИЗЛАРИ

## 1-кисм. Марказий Осиёда урта аср воизлик санъати

2) Марказий Осиёда, хусусац, ҳозирги Узбекистон ҳудудида, нутқ маданияти ва нотиклиқ санъати ўз-узилан бирданига вужудга келган эмас. Унинг чукур тарихий илдиздлари ва ғоявий маиналари мавжуд булиб, қадимда воизлик санъатига катта ётибор берилган, унинг кўплаб истеъоддли намояндлари ибрат кўрасатиб, бой мерос қолдириб кетганлар.

“Ваъз” сузи арабча тарғиб қилиш, панд-насихат деган маъноларни англатади; “воиз” сузи эса ваъз айтувчи, нутқ сўзловчи шахс маъносини билдиради. Воизлик санъати тингловчининг, жамоанинг онгига, ҳис-туйғусига таъсир этиш маҳорати булиб, ҳозирги вақтда у нотиклиқ санъати деб юритилмоқда.

Қадимги Шарқда (IX асргача) воизлик вазифасини шоҳлар, халифалар бажарганлар. Улар жума кунлари, ҳайит ва бошқа байрамларда жамоани йигиб, давлат сиёсати, фуқароларнинг мажбурият ва бурчлари (жумладан, итоаткорлик, қонунларга риоя қилиш), бошқа мамлакатлардаги вазият, душманларнинг кирдикорлари, мудофаа масалалари ҳакида ва бошқа мавзуларда вавз айтганлар.

IX асрдан бошлаб давлат ҳукмдорлари бу тадбирни ўз ихтиёрларидағи маҳсус сўз усталарига юклаб, уларни воизлар деб атай бошлигандар. “Воиз” сузи ҳатто уларнинг исми-шарифларига кўшиб айтилган ва ёзилган.

Марказий Осиё воизлик санъати ҳазинасига даставвал Баҳовуддин Валад (XII аср), Жалолиддин Румий (XIII аср), Ҳусайн Кошифий, Муин воиз (XV аср) каби сўз усталари ғоят бой ҳисса күшганлар.

XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талкин ва тавсиф этадиган кўплаб илмий, тарихий, услубий

рисолалар сүйлган. Булар қаторига Мұхаммад Рафик Войзнинг “Аббоб ул-жинон”, Войз Қазванийнинг “Зилолу макол”, Войз Ширвонийнинг “Аҳсан ул-аходис”, Мұхаммад Войзнинг “Хидоят ул-тақвим”, Қурайш Сайдийнинг “Анис ул-воизин”, Войз Самарқандийнинг “Равозат ул-воизин”, Кози Ўшийнинг “Мифуток ул-нажжих”, Войз Кошифийнинг “Даҳ мажлис”, “Маҳзан ул-иншо” каби асарлари киради. Шунингдек, тарихчи, шоир, мұхаддисларнинг асарларида ҳам воизлик санъатига алоқадор баъзи фикрлар баён этилган. Чунончи, тарихнавис Али Яздийнинг “Зафарномаси”да, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Мантиқ уттайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Ҳамса”, “Чор девон” асарларида; Зайнуддин Восифийнинг (XV аср) “Бадое ул-вақое”; Хондамирнинг “Макорим ул-аҳлок” рисоласида атоқли воизларнинг маҳорати, истеъоди, ваъзхонлик услублари ҳакида мулоҳазалар юритилған. Мавлоно Навоий воизлар “минбар устида девонавор” киёфада ҳамда оташнафас ҳарорат ва хис-туйғу шижаоти билан нутқларини меъёрига етказғанликларини қайд эттән.

Тарихчиларнинг шоҳидлик беришларича, соҳибқирон Амир Темур, Мир Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Мирзо Улуғбек каби давлат арбоблари воизлик санъатини пухта әгаллаганлар ва фаолиятларида ундан моҳирона фойдаланғанлар.

Воизлик санъати асосан уч шаклда бўлган: дабирлик, хатиблик, музаккирлик. Булардан биринчиси – давлат мақомидаги ёзишмаларни ёзма баён этиш ва қироат билан ўқиб бериш, иккинчиси – жума кунлари пешин намози олдидан хутба ўқиши. Учинчиси – жума кунларидаги, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлокий, хукукий масалаларни шарҳлаб беришдан иборат бўлган. Кейинчалик, буларга республикамизды кепг тарқалган амри маъруфлар ҳам кўшилган.

Эндилиқда уларни асосан имом-хатиб, имом-ноиблар, гоҳо мударрислар ўтказастирлар. Умуман, воизлик санъатига диний таълимот соҳиблари ҳамиша катта эътибор билан қараганлар ва бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда.

Воизлик санъати тингловчиларнин, воизларнинг ижтимоий-сиёсий мавке ва лавозимларини ҳамда бошқа хусусиятларини хисобга олган ҳолда ҳам учга ажратилган ва уч хил номланган: биринчиси – кокори табака авёшлири ни зодагонлари учун мулжалланган булиб, султониёт; иккинчиси – жаштохлар иштирокчилари учун мулжиглиниши булиб, жиҳодия; учинчиси – оддий фукаролар учун мулжиглиниши булиб, гарифона деб юритилган. Султониётда – ҳукмдорлар шиънига ҳамду санолар айтилган, улар кўкларга кутариб мақталаш, ўзни шахсга сифиниш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ўз ифодасини тошган; жиҳодия – жанговарлик, яловбардорлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик улуғланган, барча жиҳодга (муқаддас урушга) чақирилган; гарифонада эса – меҳнат ахлини итоаткорликка, ювошликка чақириш кабилар ифодаланган. Ҳар бирининг ёзилиш, ўқилиш, шунингдек, ваъз этилиш шартлари, усули, оҳанги ҳам ҳар хил бўлган.

Ўрта аср воизлик санъатида ҳар бир сўз, тушунча, оҳангнинг таъсирчанилигига эришиш, муайян бир фикр, мулоҳаза, ҳукм, foя, мафкура ва хulosани ўз тингловчиларига етказиш мақсадида сухандонлик (риторика) фани ўқитилган. Ҳозир ҳам мадрасаларда бу фан ўқитилмоқда. Бу давр воизлик санъатида жарангдорлик, фармонбардорлик оҳанги етакчи бўлган. Шу туфайли улар ижтимоий салмоқ, сиёсий қудрат касб этган, бадиий сайқал топган.

Воизлик ҳам, бошқа тарихий омиилар каби, ижтимоий-сиёсий хусусиятга эга бўлган. Одамлар золим ва мазлум, ҳукмрон ва тобе, бой ва камбағал табақаларга, диний ва дунёвий дунёқараш соҳибларига булинган жамиятда бошқача булиши ҳам мумкин эмас эди. Воизлар ўз нутқларини бадиий жиҳатдан юксак, жозибали, барча тингловчиларга етиб борадиган қилишга интилиш билан бирга, муайян ижтимоий табақаларнинг манфаатларига ҳам мослар эдилар. Натижада ваъзлар таъсирчан мафкуравий куролга айланар, мавжуд ижтимоий тузумни муқаддас деб тушунган, ҳукмдорни яратувчининг ердаги сояси, пайғамбарнинг ноиби деб тасаввур

этган тингловчилар бу воизларни кизиқиб тинглар, авом халқ воизга итоаттүйлик билан эргашар эди.

Дин мафкура ва таълимот сифатида танҳо ҳукмрон бўлган урта асрларда аксарият воизларнинг вавзлари диний кобиққа уралган, диний таълими мазмун ва шаклда баён қилинган эди. Бундай ҳол эса ишғор фикрли, тараққийпарвар, ҳакиқаттуй зиёлиларда, олим, шоир, ёзувчи ва муаллимларда эътиroz тутдириарди. Улар бундай мутаассиб тарғиботчиларга қарши чиқар, уларни фош этиб, ҳакиқатни халқ оммасига, эл-юргта етказишга харакат килар эдилар. Масалан, Алишер Навоий бу каби воизлар ҳакида бундай деган эди:

*Воиз, бирағ, ки нест яқин к-из қабулу рад,  
Эзид намуд қисми ману ту қадамро<sup>2</sup>.*

Бу форсча мисраларнинг маъноси бундай: Эй, воиз, йуқол, тангри рад қилишни ёки қабул қилишни қайси биримизга қисмат қилгани ҳали маълум эмас.

Мана бу сатрларга дикқат килинг:

*Эшишт, майхона ичра дайр ниридин ҳақ аср ори,  
Ки воиз хонақоҳда гаҳ дер афсона, гаҳ афсун.  
Мен ишиб майхонада май, жаннат – у қавсар сўзин  
Воиз айтиб, бўлмади кўнгли маълул афсонадин.  
Афсона боиси гафлатдур элга воиздин,  
Нединки келтирур афсонаваш калом уйқу.*

Бу пурхикмат сатрларнинг қисқача мазмуни шуки, афсунгар воизлар, худди майхонада сархуш майхўрлар оғизларига келганини уйламай-нетмай гапиравергандарни каби, афсона, яъни сафсалаларни сўзлайвералилар, бунинг таъсирила ҳашқ ғафлат уйқусига ботади, афсонавий сўлар кинжаларнинг уйқусини келтиради.

Ҳазрат Навоий Ҷон-яшиқ гаиларни ўз вавзларига қўшиб айтган алдамчи воизларни тадойларга киёслаб, бундай деганлар:

<sup>2</sup> Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. Т., 1972. 5-б.

*Воиз томеъ-гадои нон бувад, фарқаси үамин  
Ки ин ба зери минбар омад, он фарози минбарааст<sup>3</sup>.*

Маъноси: Тамагир воиз нон тиловчи гадодир, ораларидағи фарқ шуки, гадо минбар остида-ю, воиз минбар устида.

Бундай кимса, албатта, воизликнинг обрўсини туширган ва тингловчиларни бездириган. Бу ҳол бизнинг нотиклар учун тарихий сабоқдир. Юқорида келтирилган айрим далиллардан ўтмиш воизлиги заарли, салбий деган хulosани чиқариб бўлмайди. У уз даврида, ҳатто ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, муайян маърифатпарварлик ғояларини, маънавий қадриятларни акс эттирган: бизга ижобий анъаналар қолдириган. Улар европацентризм йўналиши тарафдорларининг даъволарига зид ўлароқ, Фарб нотиклигидан қолишмаган.

Шарқ воизлари нутқнинг мазмунигагина эмас, балки тасвир, қиёслаш, мажоз ва ӯхшатишларга бой бўлишига ҳам катта эътибор берганлар. Айни бир мазмун турли воизлар нутқида турлича ранг касб этган. Бу ҳақда мавлоно Навоий бундай деганлар:

*Тути-ю шорик агар нотикдуур,  
Ҳар бирига ўзга бир мантиқдуур.  
Нақлида онинг тафовут бўлгуси,  
Бири илоҳ үлса, бири бут бўлгуси.  
Бирда шак бўлса, бирида яқин,  
Бирида куфр бўлса, яна бирда дин<sup>4</sup>.*

Демак, ўткир, билимдон воизлар худони тавсифлаш орқали ва лин рамзлари воситасида инсоннинг куч-қудратини, Куръон оятлари орқали доно илмий фикрларни олға сурғанлар. Бу диний мафкура мутлақлаштирилган замон тақозоси эди, албатта.

С. Иномхўжаев ўтмиш Шарқ воизлигини икки томонлама шамширга ӯхшагиб, “унинг бир тифи адолат, тенглик, маърифат каби қатор тараққийпарвар томонларни жароҳатлантирган бўлса,

<sup>3</sup> Уша жойда. 4-б.

<sup>4</sup> Навоий. Лисон ут-тайр // Навоий. Асарлар. Т. II. 222-6.

иккинчи тиги үзулмат, ахлоқсизлик, ғайриинсонийлик каби қасофатларни тилка-пора қилиб, инсонпарварлик учун хизмат килған<sup>5</sup>, дейди. Бирок воизликнинг тескари томони ҳам, инсонпарварлик томони ҳам, даставвал, мавзуларининг ғоявий асосларига ва талкинига боғлиқ булган: ғоявий мазмунни хукмон доиралар белгилаган, воизлар эса уларнинг раъйини изҳор этган.

С. Иномхўжаев халқимизнинг машхур воизларидан бири, кўпгина билимларни чукур эгаллаган, ҳатто халқаро сиёсатдан хабардор бўлган, ўз давридаги давлат арбоблари назарида, халойик орасида катта нуфузга эга бўлган **Воиз Иршод** ҳақидаги рисоласида Али Сафий деган тарихнависнинг асаридан қуйидаги бир воқеани келтиради.

Кунлардан бирида Ҳусайн Бойқаро Шерознинг замондош шоҳи хузурига бир нуфузли вакил юбормоқчи бўлибди. Бу киши расмий давлат иши юзасидан шоҳ билан музокара олиб бориши лозим бўлган. Султон аркони давлат аъёнлари билан маслаҳат килганида, улар ўз замонасининг ғоят маҳоратли нотик ва сиёсатдонларидан бири ҳисобланган мавлоно Иршодни тавсия қилганлар; уни салтанатга чорлаб, бу музокарани унга топширганлар. Мавлоно Иршод Шерозга бориб, қисқа муддатда топширикни моҳирлик билан адо этган. Унинг воизлик маҳоратини пайқаган шоҳ унга қайтиш учун ижозат бермай, битта анжуман чакиртириб, ваъз айттириб, сўнг жавоб беражагини айтган. Воиз мамнуният билан бу илтимосни қабул қилиб, жума куни бўладиган анжуманга пухта тайёргарлик кўрган.

Фахриддин Сафийнинг шоҳидлик беришича, Иршод минбарга чиқиб, шундай маҳорат ва эҳтирос билан нутқ сўзлаганки, масжиди жомега йигилганлар ҳўнг-хўнг йиглай бошлаганлар. Воиз халойик унинг нутқига бутун нужуди ни қалби билан маҳлиё булиб кетиб, ўзини тута олмай қолгашлигини, изтироб гирдобига ўралганилитини пайқаган. Шунда у ўз нуткининг жозибадор, мафтункор яиа бир киррасини намойиш килган: у ўз ваъзи

<sup>5</sup> Иномхўжаев С. Утмини Шарқ нотиқлиги. 8-б.

жараёнида шундай бир бурилиш ясаганки, йиғлаб ўтирганларнинг барчаси беихтиёр қаҳқаҳа отиб юборған.

Шарқ воизлик санъатининг бу каби айрим ибратли воқеалари зарваракларидан шу нарса яққол намоён буладики, Мавлоно Иршод ўз билимининг кенглиги, сиёсий онгинин терапиини ҳамда нуткининг таъсир кучи билан уша даврнинг моҳир дипломати даражасига кутарила олган: бу улуғ зот воизлик маҳорати билан икки мухолиф давлат орасидаги низоларни бартараф этиб, улар ўртасида дўстона, маданий алқаблар қарор топишига ҳам муносиб хисса қушган.

Мухораба майдонида киличнинг кучи стмагап айрим қалъаларни сўз куч-қудрати, нутқ сехри билан забт этиш мумкин. Мавлоно Навоийнинг шахзода Бадиuzzамон билан отаси Ҳусайн Бойқаро орасидаги низони бартараф этгани бунга мисол була олади.

Бинобарин, узаро мухолиф давлатлар орасидаги муаммоларни музокара йўли билан ҳал этишда ўтмишда ҳам, ҳозиргидек, элчилар, дипломатлар ва вакилларнинг ишонтиришга қодирлиги, донолиги, зарур бўлса, айёроқ, нотиқлик санъатини пухта эгаллаган булишлари мухим ўрин тутган.

Бу соҳада, музокара, мунозара олиб борилаётган тараф дўст ёки мухолиф эканлигини билишга, иложи борича уларнинг аҳволи руҳиясини олдиндан ўрганишига, бунииг иложи бўлмаса, мулокот пайтидаёқ пайқаб ола билишга қодир зукко шахсларгина фаолият юритган. Фахриддин Сафийнинг таъбирларига қараганда, Воиз Иршодда бу фазилатларнинг барчаси зоҳир бўлган.

Ўрта асрларда Мовароуннахрда ўзбек халки орасидан Иршодга ухшаш воизлар кўплаб етишган. Бундай сиймолардан бири таҳминан XV-XVI асрларда Фарғона водийсида яшаган машҳур нотик Қози Ўший бўлган. У ўш шаҳрида туғилиб, бу ерда қози мансабида хизмат қилгани учун шундай ном олган.

Фахриддин Сафийнинг юқорида қайд этилган рисоласида ва тарихнавис Мухаммад Маждийнинг “Зайнат ул-Мажолис” асарида таъкидланишича, Ўший воизлик санъатида мислсиз маҳорат сохиби сифатида донг таратган ва эл назарига тушган.

Ушбу күләмаларда қайд этилишича, Эрон мамлакатининг жанубидаги Синстон вилоятининг ахолиси уша давларда қаттиқұллары билан ном чиқарған булиб, ҳатто тиланчига ҳам бир бурда нон бермас экан. Бу зикналикни эшиттган Кози Үший уша вилоятта борибди. Бундан бирор наф чиқишидан шубҳаланган биродарлари уни бу фикрдан айнитишга уринибдилар. Шунда воиз уларга қараб: “Дунёда юмшамайдиган құнгил, очилмайдиган қулф бұлмайди; мен уларнинг құнгил күлфини сухандонлик калити билан очиб, юмшатаман”, – дебди.

Үший ушбу вилоятта келиб, бир-икки хафта синстонликлар орасида юрибди; уларнинг ахволи рухиясини үрганибди. Бир неча кун үтгач, шаҳар қозисининг ижозати билан жума намози олдидан жоме масжиди минбарига кутарилибди. Виқор билан шундай жүшкін пұтқұ сузлабдикі, тингловчилар ҳанг-манг булиб, нотиққа ҳамду санолар үқибдилар. Анжуманда гоҳ фифон, гоҳ кулғи янграбди. Вилоят халқи топған-тутғанини минбар пойига келтириб қўйибди, кексалар беҳад дуолар қилибди. Бироқ воиз үз ваъзи учун ҳеч кимдан ҳак олмаслигини изхор қилибди. Бу хотамликнинг жонли шоҳиди бўлган синстонликлар воизни янада кўпроқ эъзозлаб, унга беш минг динор тилла тўплаб беришибди. Бу уша даврда катта бойлик ҳисобланар экан.

Мазкур тарихий лавҳадан маълум бўладики, Үший үз аҳду паймонининг уддасидан чиққан. У вилоят халқи табиатан баҳил эмас, балки, аксинча, жуда олижаноб эканлигини, фақат уларнинг меҳригиёсини ботинидан зоҳирига чиқариш учун муносиб “калит” топа олиш кераклигини исботлаган.

Бу воиз синстонлик тингловчилариға қўйидаги шеърини юборган экан:

*Омон бўлсин синстонлик саҳиълар,  
Рұҳи роҳат шаробини қилиб пүш.  
Нечун ким менга баҳш айладилар.  
Гурур чексиз. Ана лутф, донишу ҳүш.  
Эмасдим мен содда, лекин эдим мен  
Билиму фазл жаҳон – Қозий Үш.*

Қози Ўшнийнинг “Мифтоҳ ун-Нажжоҳ”, яъни “Сўз калити” рисоласи эса воизлик санъатининг сир-асорини моҳирона очиб берган. Бу эса унинг ўтқир воизгина эмас, балки нутқ маданияти бўйича етарли билим соҳиби эканлигидан ҳам далолат беради.

XIII асрда Хоразмшоҳлар сулоласи даврида яшаб ижод қилган зукко ва иқтидорли воиз Ҷаҳонгулдин Валад ҳамда унинг ўғли, улуғ адиб, олим ва файласуф Жаюлиддин Румий воизлик санъатининг ўтқир назариётчиси эдилар. Бу даврда, шунингдек, Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Воиз Кошифий, Абулфайз Зуннун, Анас Жунайд, Шиблий, Сиррий, Нисавий, Шерозий каби бир қатор сухандонлар, воизлик маданиятиниң иқтидорли ва истеъдодли намояндалари ҳам яшаганлар. Улардан ҳар бирининг ўз хизмати, маҳорати, услуги мавжуд бўлиб, асарлари араб тилида ёзилган, бироқ кўпчилиги нашр ҳам этилмаган.

Биз юқорида номлари кайд этилган воизлардан – Меҳнагий, Риёзий, Кошифийлар ҳақида С. Иномхўжаев тўплаган ҳужжатлар асосида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Уларнинг номи мавлоно Навоий асарларида ҳам тилга олинган.

**Хўжа Муайяд Меҳнагий** ўз замонасининг аллома нотикларидан бири бўлиб, дунёкараши жиҳатидан оддий меҳнат аҳлига жуда яқин бўлган. У, мавлоно Навоийнинг шоҳидлик беришларича, бир қабристоннинг бечораҳол шайхи бўлган экан.

Бўш вактларини илму доининг сарф қилган Меҳнагий “зоҳир улумин такмил қилиб эрди”, яъни юзага чиққан ўзига маълум бўлган илмларни ўзлаштирибгина қолмай, уларни такмил қилган, яъни тўлдирган, бойитган ҳам эди.

Эътироф этишларича, Меҳнагийнинг воизлиги унинг донишманлигидан кам бўлмаган. Навоий ҳазратлари Меҳнагий ҳақида: “ваъз мажлиси бағоят гарм ва нуршур воқеъ булур эрди”, – деб, унинг нутқлари жўшқин, жозибали, тингловчилар олдида мафтункор бўлганилигини таъкидлагагаилар.

<sup>6</sup> Навоий. Мажолис ун-нафоис // Навоий. Асарлар. 12-жилд. 42-б.

<sup>7</sup> Ўша жойда.

Хұжа Мехнагийининг машхурлғы яна шунда бұлғанки, у үз мұнгатарийларининг юрагига құл сола билған; уларни пассив тингловчылық даражасидан фаол фикр юритувчи, вәйз мазмунига, талапфузига, тилига фаол муносабатда бұлувчи синчков, зукко тингловчилар даражасига кутара олған. Бунинг учун воизгагина әмас, ҳар қандай нотиқка ҳам зүр иsteъод, беҳад шиддаткорлик даркор. Модомиқи, Мехнагий үз нутқларининг таъсирчан булишига әришган экан, демак, у үз даврининг оташнафас воизи бұлған. У вәйз айтқанда, анжумандагиларга ҳеч бир замондоши у каби кучли таъсир қила олмаган. Мехнагий сингари жүшкін, нодир воизлар кам бұлған. Шу сабабдан бұлса керак, унинг шарафли номи тарих сақиғасидан, воизлик санъати зарваракларидан нуғузли үрин олған; у нотиқларнинг бутун бир авлоди учун ибрат ҳисобланған.

Хұжа Мехнагий муваффақиятлари ва маҳоратининг калити билим доирасининг кенг, мазмунан чукур эканлигіда әди. Навоий ибораси билан айтсак, у “зохир улумин” бұлған, яъни үша даврда аждодларимиз тұплаган билимларнинг деярли ҳаммасини пухта үзлаштирган, бунинг устига уларни бойиттан ҳам. Демак, зүр нотиқ булишни орзу қылған замондошларимиз ҳам, даставвал, үз билим доирасини мұттасил көнгайтириб боришлари лозим. Мавлоно Навоий “Махбуб ул-қулуб”да Мехнагий каби донишманд воизлар кетидан әргашмаслик шакийлик, яъни ярамаслик булишини таъкидлаганлар.

Донишманд аждодларимизнинг накл қилишларича, ҳар бир олимда, воизда билим ва иsteъод деб аталувчи икki азим дарё үзаро қүшилса, ундан күчлироқ омил топилмайды. Хұжа Мехнагий билими ва иsteъодида ана шундай омил мавжуд әди. Шуни назарда тутиб, ҳазрат Навоий “Хужа самони дағы муассир қилур әрди”<sup>8</sup>, яъни осмонии ҳам титрарат әди деб, бироз муболаға қылған бұлса-да, бунда ҳакикат бор әди. Негаки, бу каби билим ва воизлик маҳорати сохиби бұлған ҳар бир нотиқ үз шинавандалари

<sup>8</sup> Навоий. Махбұл ул-қулуб. Навоий Аспарлар. 13-жыл. № 256.



6210

калбини жунбушга келтириши, уларни маҳлиё қилиши турган гап эди. Мутафаккиримиз айтгандаридек, бундай заковати туфайлигина “салотин Хужага таъзим қилурлар эрди”<sup>9</sup>, яни подшо, султонлар хам унинг истеъоди, маҳорати рубарусида бошларини хам қиласа эдилар.

Хуросаи калом, Мехнагий ўз даврининг зур сухандонларидан бири, хокисор шайх бўлишига қарамай, беназир донишмандлиги, зур воизлик заковати туфайли ҳатто тож-тахт, аркони давлат аъёнларини хам таъзим қилдира оладиган нотик эди.

Мавлоно Навоий назарига тушган, юксак таъриifu тавсифларига мусассар бўлган воизлардан яна бири **Мавлоно Риёзий** бўлган. Бу воиз Зова вилоятининг қозиси лавозимида хам ишлабсан булиб, баъзи ноурин кирдикорлари учун лавозимдан бўшатилган, кишангача солинган, пировардида бадарға қилинган эди. У беҳад азобу укубатлар билан гарибликда, таъкибу маломатлар исканжасида умр кечирган. Бу ҳол унинг воизлик санъатида хам ўз аксини топган.

Маълумки, киши ҳаётида қанча кўп каршиликка учраса, азобу укубатлар тортса, шунчалик чиникади, курашда тобланади. Ҳаёти курашсиз, ларзаларсиз ўтган кишилардан камдан-кам улуғ сиймолар чиқсан. Ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бошидан кечирган Риёзий хам воизгина булиб қолмай олим, мураббий ва шоирлик даражаларига хам эришган.

Муросасиз кураш ва даҳанаки жаниглар, ҳужум ва мудофаалар гирдобида чиниккан **Риёзийнинг нутқлари жўшқинлиги**, жасоратлилиги, ўткирлиги билан ажralиб турган. Навоийнинг шохидлик беришича, у “ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорларини ўқиб, йиғлаб, важди ҳол қилур эрди”<sup>10</sup>. Бу маҳорат тингловчилар назарида эътиборга, нуфузга савозор бўлган воизлик намунаси эди. Тингловчилар ҳузурига чиқиб, уларда ҳамдардлик кайфиятини ўйғота олиш учун улкан воизлик санъатининг соҳиби булиш даркор эди. Риёзий худди шундай санъат соҳиби эди.

<sup>9</sup> Уша жойда.

<sup>10</sup> Навоий. Мажолис ун-нафоис // Навоий. Асарлар. 12-жилд. 10-б.

Мавлоно Риёзийнинг фифон чекиб, кўзларидан каҳрабодек томчиларни юмалатиши унинг яшаш тарзига ҳамоҳанг булгани учун эшитувчиларда ишонч-иймон уйғотган. Сахнада актёрнинг самимий йиғлай олиши ва кула билиши ўтирип маҳорат аломати булганидек, воизнинг тингловчини куз ёши тукиш даражасига етказиши ҳам воизнинг ғоят заковатли нотиқ, улкан сўз устаси эканлигини курсатади. Навоий Риёзий “ишида бундай гарайиблар кўп”<sup>11</sup> деб шоҳидлик беради.

Мавлононинг далолат беришича, Риёзий кучли мураббий ҳам булган. Бу ҳақда аниқ далишлар бўлмаса-да, воизнинг ёш издошлар тайёрлаш ишига муайян ҳисса қўшганлигига шубҳа йўқ. Тегишли манбалардан маълум булишича, унинг мураббийлик маҳорати ҳам воизлиги каби исёнкор, курашчан, шиҷоаткор булган. У ўша даврнинг таълим-тарбия услугбиятига зид булган ўкув услубини куллаган. Чунончи, у таълимни табиий фанлар – табииёт, жўғрофия, адабиёт, тарихдан бошлаб, сунг воизлик санъатига ўтган. Навоийнинг ёзишича, Риёзий “шогирдлари билан тофштига бориб”, амалий кузатишлар ўтказган. Демак, у назарияни амалиёт билан, жонли мушоҳада билан узвий бοғлаган; юз марта эшитгандан бир марта кўрган (кузатган) афзаллигини ўша замонлардаёқ англаған.

Навоийнинг қайд этишига кура, Риёзий “минбарида ўз ашъорини ўқуб”, яъни ўзи ёзган шеърлардан ўқиб берган. Бу одат ундан олдин ва кейин ўтган воизларга ҳам тегишилдири: улар ўз ваъзларини тасвирий, бадиий безаклар билан бойитишга ҳаракат килгандар. Тингловчилар ҳис-туйғусига таъсир этиш учун халқ оғзаки ижодидаги бадиий лавҳалардан ҳам кенг фойдаланганлар.

Хулоса шуки, бой илм сохиби, ҳаёт-мамот учун аёвсиз кураш оловида тобланган ва воизлик сағъатида шуҳрат қозонган Риёзий ўзининг дарбадар, ҳокисор қисмати билангина эмас, балки ғоявий эзгу амаллари, ижрочилик услублари, мураббийлик маҳорати билан ҳам замондошлари орасида яққол ажралиб турган. Тахаллусидан

<sup>11</sup> Ўша жойда.

ҳам сезилиб турибдики, у узлуксиз риёзат чеккан, аммо машакқатли мәднати, мардонавор жасорати ва беназир воизлик маҳорати, маърифатпарварлиги туфайли үзига мангу ҳайкал үрнатиб кетган сухандондир.

Маданиятимиз тарихида учмас из қолдирған воизлардан яна бири мавлоно **Кошифий** эди. Ўз соҳасида бутун Марказий Осиёга машхур ва манзур бўлгани боис унинг номи ёнига воиз тахаллуси қўшиб айтилар ва ёзилар эди. Камоли эҳтиром ила соҳиби сухан деб тавсифланган сиймо мавлоно Навоийнинг замондоши ва дўсти бўлган; Мир Алишердан бироз кейин бандаликни бажо келтирган. Уларнинг жуда яқин дўстона муносабатда бўлганликларини тасдиқлайдиган тарихий манбалар бор.

Воиз Кошифийнинг ҳозирги нотиқлар учун ҳам намуна буладиган асосий фазилати билимининг чуқур, кенг, бинобарин, бойлиги эди. У ўз замонасида тўпланган жуда кўп билимларни пухта эгаллаган, ҳатто илмий тадқиқотлар олиб борган зукко олим бўлган. “Мажолис ун-нафоис”да ёзилишича, у олим “хусусан ваъз ва иншо<sup>12</sup> ва нужумнинг<sup>13</sup> ҳаққи дурур, ҳар қайсида мутаайин<sup>14</sup> ва машхур ишлари бор”,<sup>15</sup>.

Доцент С. Иномхўжаев эронлик олим Сайд Нафисийни далил келтириб, Кошифийнинг асарлари 40 та бўлганлигини эслатади ва ўз рисоласида булардан форсийда ёзилган 14 тасини қайд қилиб утади. Шуларнинг ўзиёқ, “Илму фанниш афабиёт, тарих, диния, ахлок, нафосат, ҳукукшунослик, астрономия каби ўнлаб тармоғини қамраб оладиган бу асарлар мажмуаси Кошифийнинг накадар зўр қудрат ва билим эгаси эканлигидан жонли шаҳодатдир”<sup>16</sup>.

Воиз Кошифийнинг ўз замонасида забардаст нотиқ бўлганлиги хусусида тарихий далиллар кўп. Унинг нотиқлик санъати ва у ижод қилган уша давр нутқ шинавандаларининг унга берган

<sup>12</sup> Иншо – насрый шеър усулида ёзиладиган хат.

<sup>13</sup> Нужум – юлдузшунослик.

<sup>14</sup> Мутаайин – кўзга кўринарли.

<sup>15</sup> Навоий. Мажолис ун-нафоис // Навоий. Асарлар. 12-жилд. 123-б.

<sup>16</sup> Иномхўжаев С. Утмиш Шарқ нотиқитиги. 32-б.

баҳосини ёрқинроқ тасаввур этиш учун Кошифийнинг ўғли Сафийнинг бир асаридаги ривоятни келтириш ўринилдири. Унда ёзилишича, Сайди Фиёсиддин деган машхур воиз бир анжуманга анча фурсат кечикиб келган. Бу анжуманга мавлоно Жомий ташриф буюрган эканлар. Бу улуғ зот Фиёсиддин кириб келган ондаёқ сурабдилар:

- Нечун кечикдингиз, Мавлоно Фиёсиддин?
  - Мени маъзур тутинг, устоз, – деган экан у, – келаётган эдим, масжиди жомеда Хусайн Воиз нутқ сўзлаётган экан, шунга маҳлиё бўлиб қолибман.
  - Хуш, қандай янгилик эшитдингиз?
  - Хеч қандай, – дебдилар Фиёсиддин.
  - Сабаб?
  - Сабаб шуки, – дебди гуноҳкор, – одам жуда кўп экан. Оломон мени туртиб, чеккага чиқариб юборди. Мен шунчалик узоқ масофада эдимки, унинг баъзи сўзлари зўрға қулоғимга чалинди.
  - Ундан бўлса, нима қилиб ўтирдингиз?
  - Караб ўтирдим, – дебди Фиёсиддин, – Хусайн воиз шундай нутқ сўзлаётган эдик, гапларини эшитмасам ҳам унинг маҳоратига маҳлиё бўлиб, нутқининг охиригача қараб ўтирдим.
- Мавлоно Кошифийнинг заковату маҳорати шунчалик юқори бўлганки, Мир Алишер ва Хусайн Бойқаро ҳам ўз расмий мушоираларида ўқиб, шарҳлаб бериш зарур бўлганда уни таклиф этганилар. 1492 йилнинг 8 ноябрида Жомий дағн әтилаётганда ваъз айтиш ҳам унга топширилган. Жумладан, шу маросимда мавлоно Навоий ўзининг 7 банд, 140 мисрадан иборат пурҳикмат марсиясини ўқиб эшиттиришни Кошифийдан илтимос қилган. Ундаги бир тўртликнинг ҳозирги ўзбек тилига йўғрилган эркин таржимасини келтирамиз:

*Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат дengизининг дурриким,  
Ҳақиқатга эриша олди ва қалбида ундан бошқа нарса йўқ эди.  
Шубҳасиз илоҳий сирнинг очувчиси эди, шу сабабдан,*

*Вафотининг тарихи “Кошифи асрори илоҳ” бўлди<sup>17</sup>.*

Мавлоно Мир Алишердек сиймо воиз Кошифийга шунчалик юксак баҳо берган эканлар, демак, у зўр истеъод ва заковат соҳиби, доно ва юксак фазилатли олим бўлган экан. Битта нуксони шу бўшганки, унда Мехнагий ёки Риёзийдаги каби журъат камлигиданми, ўз давридаги хукмрон мафкура қобигини ёриб чиқа олмаган. Шу боис у ватъларида ўз истеъоддини тўлиқ намоён эта олмаган.

Шунга қарамай, Кошифийнинг воизлик салоҳияти ва заковати фоят юқори бўлган. Бу урища атоқли тарихнавис олим Хондамир ўзининг “Хабиб ус-сияр” асарида келтирган тавсиф дикқатга сазовордир. Унинг ёзишича, Кошифий воизликдагина эмас, илми нужум ва иншода ўз даврининг ягонаси, ўзга билимларда энг зукко олимлардан бири хисобланган; бунинг устига, ёқимли овоз соҳиби ҳам бўлган. Бу имкониятлардан эса у ўта моҳирлик билан ва ўз ўрнида фойдаланган.

Ривоят қилишларича, мавлоно Кошифийнинг “харидори” шунчалик кўп бўлган эканки, саналари олдиндан аник белгиланган жадвал бўйича воизликка ташриф буюришга мажбур бўлган экан. Хондамирнинг шоҳидлик беришича, у “жума куни эрталаб Хиротнинг марказий чорсусида жойлашган шоҳ номозгоҳида ваъз айтган, шу куни пешиндан кейин Алишер Навоийнинг масжида, сешанба куни Ҳусайнининг мадрасасида, чоршанба куни пир... Валид Аҳмад мозори бошида, пайшанба куни... Аҳмад Мирзо мозори бошида нутқ сўзларди”.

Ҳусайн Воиз унинг номини абадийлаштиришган, ўз даврида унга тирик ҳайкаллар ўрнатишга ҳисса қўшган шогирдлар ҳам тайёрлаган. Улардан бири унинг фарзандиу дилбанди Али Сафий бўлган. Хондамирнинг “Хабиб ус-сияр” асарида нақл қилишларича, у “волиди бузруквори”га муносиб фарзанд ва издош бўлган.

---

<sup>17</sup> Иномхўжаев С. Уша жойда. 35-б.

Али Сафий уз падари бузруквори изидан бориб, илм-фан, адабиет билан шугулланган ва бадиий асарлар ёзган. Чунончи, унинг “Лайли ва Мажнун”та қиёслаб ёзилган “Маҳмуд ва Аёз” достони эл назарига тушган. Воизликда эса, уз отаси сингари хар жума куни, диний тантана ва нуфузли йигинларда ғурур билан минбарга чиқиб, шинавандаларини ўзининг дилором сўз санъатидан беминнат баҳраманд килган.

Ибратли жойи шундаки, Кошифийнинг ижодий фаолиятига яккалам қилинган юқоридаги чизгилар, шубҳа йўқки, ҳозирги давримизда ҳам уз қийматини йўқотмаган. Айниқса, воизнинг билимдонлиги ва уз давридаги ижтимоий-сиёсий мұхитнинг паст-баландини пухта билганилиги унинг ваъзлари сермазмун бўлишига имконият туғдирган. Ўткир воизнинг асрлар оша бизга ҳамнафас булаётган ижодий фаолияти ва нотиқлик санъати ҳақидаги маълумотлар бунинг ёрқин далилидир.

Хулоса шуки, Кошифий уз даврининг улуг воизи булган. Табииёт соҳасидаги юксак билими, шеъриятда зукколиги ва ваъз санъатида беназирлиги уни катта шухратга мусассар қилган; келажак воизлар учун ибратомуз маънавий мерос қолдириб кетган.

Хирот вилюятининг энг забардаст воизларидан яна бири мавлоно **Муин Воиз** эди. У ҳақдаги энг кўп маълумотлар Мир Алишернинг табаррук қаламларига мансубдир. Бу зот унинг тавсифига маҳсус ва кенг ўрин берганлар.

Муин Воизнинг акаси Низомиддин давлат арбоби булган. У укасини икки марта Хирот шаҳрининг қозиси лавозимига тайинламоқчи булган, аммо Муин ҳар гал рад жавобини бериб, бу илтифотдан воз кечган.

Масалага юзаки қараганда, Муиннинг акасига бу эркалиги ўринсиз эди. У акасининг сояи давлатида уз даврида энг йирик бир шаҳар қозиси лавозимида виқор билан мағурланиб юрса бўларди. Лекин у узокни кургани, амал гўёки қўлнинг кири каби ўткинчи эканлигини оқилона англағани боис бундай қилмаган. Мавлоно Мир Алишер ибораси билан айтганда, Муин “дарвиш”лиги, яъни шаккоклигининг асосий сабаби унинг воизлик санъатига бўлган иштиёқи ва фидойилиги эди.

Муин воиз Хиротнинг ўз замонасидағи энг нуфузли, зүкко нотиқларидан бўлган. Алишер ҳазратларининг таъкидлашларича, у “ҳоло ўзидағи азим воиз дуур ва муридлари кўп”<sup>18</sup> бўлган. Бу таърифдан пайкаш мумкинки, Муин фақат сўз устаси эмас, балки бундай сухандонларнинг мураббийси ҳам бўлган. Бинобарин, унинг педагогик фаолияти ғоят ибратлидир. Агар Муин фаолиятининг шу кирралари хақидағи маълумотлар сакланганида эди, нур устига аъло нур бўлур эди.

Яна Навоийнинг қайд қилишларича, “хар тақдир била шаҳарда муқаррар воиз букун Мавлоно Муин эрур”<sup>19</sup>. Бундан аёнки, Хиротда бошқа воизлар ҳам бўлган; Муин уларнинг энг баркамол, фасихул қаломи, яъни сўз усталарининг саркори бўлган. Шу даражага етган воиз қозилик лавозимини икки карра рад қилган экан, демак, у ўз истиқболини башорат қилиш қувватига ҳам эга бўлган.

Мавлоно Навоийнинг бу воизга катта эътибор берганлиги шундан ҳам маълумки, унинг тазкирасида Муиннинг нутқ маданиятига тааллужли кўпгина қимматли далиллар бор. Улардан аён бўлишича, Муин ғоят жўшқин, эҳтиросли нутқ сўзлаш маҳоратига эга бўлган. У ваъз қилаётганида, шу қадар маҳлиё булиб кетар эканки, девоналик даражасига етиб борар ҳамда “баланд ва паст сузлардан айтур”<sup>20</sup> экан. Бунинг устига ваъз фурсатида “Минбар устида девонавор илик ташламоги ва тахтани тепмоғи кўп дуур”<sup>21</sup> экан.

Воиз Муиннинг нутқ пайтидаги қўл ҳаракатлари, чеҳрасидаги имо-ишоралари, танасининг ҳолати ҳам ва бу воиз нутқ маданиятининг ёрдамчи, қўшимча воситаларидан ўз ўрнида мохирона фойдаланганидан далолат беради. Демак, у тингловчиларини кучли ҳарорат ва мул-қўл иқтидор билан

<sup>18</sup> Навоий. Мажолис ун-нафоис // Навоий. Асарлар. 12-жилд. 127-б.

<sup>19</sup> Ўша жойда.

<sup>20</sup> Ўша жойда.

<sup>21</sup> Ўша жойда.

қаноатлантирган экан; унда мантикий тафаккур, ҳаёт ва мамот билан узвий боғланиш, бинобарин, долзарблик барқарор экан. Педагогларда ҳам шундай фазилат нутқининг хар бир сониясида муттасил балкиб, жуш уриб турса, уни бир эшитгандарнинг такрор тинглашга иштиёқи сўнмайди.

Муиннинг дилрабо ваъзларини тингловчи шинавандалар сабр-сизлик билан кутганликлари сабабли, унинг айниқса жума намозида, рамазон ва қурбон ҳайитлари кунларида ўқиладиган бомдод намозлари олдидан айтадиган ваъзлари хаммани лол қолдирган, нодир ҳодиса ҳисобланган. Тазкиралардаги ривоятларга қараганда, аксарият намозхонлар бу воизнинг ваъзи баҳонаси билан узок-яқиндан масжиди жомеларга келиб ёкетгандар. Чунки, у даврларда оммавий ахборот воситалари деярли бўлмагани учун, фуқаролар орасида “ваъзпастлик”, ваъзларга ишқибозлик кенг тарқалиб, мавлоно Муқимийнинг далолат беришича, яқин йиларгача давом этган.

Тарихнавис Хондамирнинг таъкидлашича, воиз Муин ўз ваъзларида хеч кимни юз-хотир қилмаган, муросасиз бўлган. Ҳатто давлат арбобларини ҳам (одоб доирасида бўлса керак) аёвсиз танкид қиласверган. Гарчи бу арбобларнинг ўзлари иштирок этаётганини кўрса-да, уларни ҳақли, адолатли танкид қиласвергани учун, қўйи, урта, юқори мартабали ҳокимлар воизга қарши чиқишга ожиз бўлиб қолганлар<sup>22</sup>. Бунинг сабаби шунда бўлганки, бу воиз ўз нуткида эл дилидаги дардни, бедодликлардан чекаётган азоб-укубатларини акс эттирган; меҳнат аҳлига ҳамдард бўлган. Бундай аснода унга монелик билдириш, муҳолафатда булиш осон кечмаган.

Воиз Муинга Хондамир берган юқори баҳоларга қараганда, бу воиз, зўр сухандон булиш билан бирга, кенг ва чуқур билим соҳиби ҳам бўлган. Бу сиру асрор шундан ҳам маълумки, чаламулла, билим савияси паст киши мадрасаларда муаллимлик қилиши, ўзига ихлюсманд шинавандалар, диний тилда айтганда,

<sup>22</sup> Каранг: *Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиклиги. 37-б.*

муридлар орттириши маҳол бўлган; бу воизнинг эса муридлари кўп бўлган, деган тазкиравий далиллар бор. Унинг чукур билимли воиз бўлганинги тасдиқловчи маълумотлар ҳам бор. Чунончи, Шамсиiddин Сомийнинг “Комус ул-аълом” деган луғатида келтирган далиллар бу воизнинг донишманд олимлигидан далолат беради. Бу қомусла айтилишича, воиз Муин бешта асарнинг муаллифидир<sup>23</sup>.

Мавлоно Муин, юксак билимли, анчагина асарлар ёзган олим булиши билан бирга “туууккина” шоир ҳам бўлган. Модомики, у уша даврларда одат бўлган мураккаб ару ۋازнида шеърлар ёзган экан, Мир Алишер асос солған мумтоз адабиёт назарияси ва амалиётидан ҳам боҳабар бўлган. Бу кобилият ҳозирги педагоглар учун ҳам ибрат бўларли фазилатдир.

Хулосаи калом, Муин воиз узининг хайратомуз санъатига фидойи сухандонлардан булиб, жозибадор нотиклик заковати, оҳанрабо сўз санъати, яна кўп қиррали педагогик фаолияти, шиддаткор, муросасиз жүшқинлиги унинг мохир воиз бўлганингидан ёрқин далолат беради.

Шундай килиб, Мавлоно Иршод, Ўший, Мехнагий, Риёзий, Кошифий, Муин ва бошқалар XV аср нотиклик санъатининг саркорлари бўлганлар. Воизлик санъати Ўрта Осиё халқларининг, хусусан ўзбек миллатининг маънавияти тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилишга арзигулик сахифаларни биъга мерос қилиб колдирган.

Хулоса шуки, ўзбек халқи ўтмишидаги воизларнинг аксарияти ўзларига нисбатан гоят талабчан булиб, тингловчилар ҳузурида оз бўлса-да, соз чиққанлар. Улар уз шинавандалари олдида катта масъулият ҳис этгандар; кенг ва чукур билим, ибратомуз маҳоратни обдон эгалламасдан эл ҳузурига чикмаганлар. Бу фазилат ҳозирги давр ўзбек нотиклари учун бебаҳо мерос булиб, унинг ворислари уз салафларидан ибрат олсалар, асло адашмайдилар. Зоро, утмиш Шарқ воизлик санъати билан ҳозирги

---

<sup>23</sup> Қаранг: Ўша жойда. 38-б.

давр шутқ маданияти орасида узвий бирлик, ворислик бор. Ҳозирги даврдағи педагоглар, профессор-үкітүвчилар, шоириу ёзувчилар воиз аждодларимиз бизга армугон этиб қолдириб кетган маънавий мероснинг муносиб ворислари бўлмоклари лозим.

## **2-қисм. Марказий Осиё мутафаккирларининг воизлиқ санъатига доир фикрОмулоҳазалари**

Маълумки, Ўрта Осиёда Уйғониш даврининг иккинчи босқи-чида назм (шөърият) нисбатан кенг ривожланган. Ҳонларнинг саройларида мушоиралар тез-тез үтказиб турилган. Уларнинг аксариятига мавлоно Навоий бошчилик қилган ва узи ҳам уларда фаол иштирок этган. Одатда бундай мушоираларнинг иштирокчилари уз шеърларини ўқиб эшилтиргач, уларни баҳолашни “суз мулкининг сultonи”га ҳавола қилганлар. “Сulton” эса уларни талабчанлик билан таҳлил ва танқид қилган, шеърлар мазмунидаги саёзлик, услубидаги нуқсонлар, ноўрин ишлатилган сұзларни курсатиб берган. Ӯша давр адабиёт тарихида ҳазрат Навоий воиз ва шоир Риёзий, шоирлардан Бадаҳший, Сарбараҳнанинг шеърларидағи ножуя сұзларни шахсан узи чиқариб ташлаб, таҳрир қилган.

Навоийнинг юкорида қайд килинган асарларида тил ва нутқ түгрисида баён этилган, мохияти ва аҳамияти билан ҳамон уз илмий қимматини сақлаб келаётган ғояларни күплаб учратамиз. Уларнинг ҳаммаси күп йиллик самарали ижод ва воизлиқ жараёнида сайқал топган фикрлардир. Буларда “күнгүл махзанининг қулфи – тил ва ул махзанининг қалити – суз” деган коида жаранглаб турган. Бу коидага ҳамоҳанг қилиб ёзилган қуйидаги қайдин айтмайсизми: “Тил мунча шараф била нутқнинг олатидир ва ҳам нутқдирки, агар нописанд зохир бўлса, тилнинг оғатидир”. Бу қайд ҳозирги педагогларимиз учун дастур бўлгуликдир.

Марказий Осиёс мутафаккирлари, айниқса Беруний, Навоий ва бошқалар, ҳамма ерда, хусусан жамоа орасида сұзлаганда

ростгүйлик ғоят зарурлигини таъкидлаганлар. Масалан, **Беруний** ўз асарларида ростгүйликка юксак баҳо, оқилона таърифу тавсиф берил, ёлғончиликни қаттиқ коралаган. Шулардан биттаси “100 ҳикмат” деган тұпламга киритилген: “Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севиқли ва ҳамма унинг яхшилигини билгани каби, ростгүйлик ҳам шундай”. Яна бир ҳикматда бу улуғ мұраббий: “Ростгүйлик лаззатини тотмаган ёки, лаззатини билса ҳам, тотиши истамаган киши уни севмайды”, деган.

Мутафаккирнинг ёлғончилик, алдамчиликнинг ахлоқсизлик эканлиги ҳақидаги ҳикматларида бу иллатларга ва уни тарктувчиларга қаратылған нафрати баралла әшитилади. Масалан, “ёлғончилик кишини адолатдан юз үгіртиради; у зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатта хиёнат, бошқалар мұлқини ҳийла билан үзлаштириш, үғрилик ҳамда халқнинг бузилишига сабаб буладиган бөшқа ёмон хүлқларни кишига яхши қилиб күрсатади”, дейилган. Бу үринде аллома ёлғончиликнинг ёмон оқибатларидан олтитасини қайд этган.

Беруний ёлғончилик иллатига доир ҳикматларидан бирида ёлғончи билан ростгүйнинг мажозий мұлоқотини келтириб, бундай деб ёзған: “Ёлғончилик билан машхур бұлған кишиларнинг биридан: “Ҳеч рост гапирганмисан?” – деб сұраганлариды, у “Рост гапириб қўйишдан қўрқмасам, йўқ дер эдим”, – деб жавоб берган”.

Бундан англашилиб турибдики, бу ҳикматда Беруний таъбирича ёлғончилик одатига мұбтало бұлған кимса, “Тарки одат – амри маҳол” деганларидек, ростгүйликдан ҳайикиб, чучиб, ҳадиксираб туради. Нотикларимиз орасида бундай нұсхалар аспло бўлмасин.

Марказий Осиё мутафаккирлари орасида нутқ маданияти, нотиклик санъати назарияси ва амалиёттика мавлоно **Навоий** ҳаммадан кўп хисса қўшганлар.

Нотиклик санъати, жумладан нутқ маданияти назарияси ва амалиётини урганмокчи бўлғанларга, Мир Алишернинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр” каби асарлари билан бирга, унинг “Мажолис ун-нафоис” достонига ҳам мурожаат қилишни тавсия этамиз. Уларни ўқиб бу улуғ сиймонинг илк ўзбек (туркий) ва форс тиллари моҳиятини яхши билган нозик бадиий

дидли тилшунос эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Уларда жуда күп ибратли фикрлар, педагоглар учун фойдалы тавсиялар бор.

Навоий даҳо шоир, доно файласуф, сўз устаси сифатида узбек халқининг бадиий камолотини, тафаккур теранлигини узида мохирона мужассамлантирибгина қолмай, шу билан бирга, нутқнинг музмунан теран, шаклан ранг-баранг, бадиий жиҳатдан гўзал, мантикан изчил булишига ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Бу муаллиф “Хайрат ул-аброр”да сўз (тил) таърифиға маҳсус боблар бағишлигаран. Унда, жумладан, сўзни “башар вужуди, сирининг кавқаби (булбули) ва инсон зоти маъданининг жавоҳири” деб тавсифлаган. Ҳазрат Навоийнинг бу асарида зикр этишларича, ўз ўрнида ишлатилган сўз ўликнинг танасига покиза рух бағишлигадек зўр таъсир кучига эга; қўпол, дағал, ножӯя сўздан инсон озор чекади.

Мир Алишернинг таъбирига қараганда, бадиий сўзлаш қобилияти заиф бўлган кишиларнинг нутқи бемаза, маъноси тордир. Мавлононинг “Сабъаи сайдёр”ида баён этилишича, сўз, яъни нутқ инсонга берилган шундай неъматки, унинг латофатини айтиб адo этиш маҳодdir. Муаллифнинг тасвирили ифодасига кўра, “Гулшани келди жисм инсони, нутқ анинг булбули хуш алхони”дир.

Мавлоно Навоий юмшоқ, ширин сўз ҳақида ҳам қимматли мuloҳазалар юритиб, замондош ва келажак нотикларга қуидаги бебаҳо сўзларни ёзib қолдиргандар:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки агёр дурур, уни ёр айлар.  
Сўз каттиги эл кўнглига озор айлар,  
Юмиоги кўнгилларни гирифтор айлар.

Бу аллома айтганларидек, тилинг бирла кўнглингни бир тут; сўзни кўнгилда пишкормагунча, яъни пишитмагунча тилингта келтирма; ҳар нимаики кўнглингда бор, уни тилга сураверма.

Педагог ўз лекциясида сўз танлашида, ўз фикрини изҳор этишда мавлоно Навоийнинг “барча бало тилданур” деган огоҳлантиришларини доимо ёдда сақлаши, нотугри сўзламокдан эҳтиёт

булиши зарур. Үрни келганда Навоийнинг куйидаги тұртлигини көлтирган маъқул:

*Сүздан кишининг ғаму бало ҳосилидур,  
Хар нұқтада тили деса, бало дохилидур,  
Бесирфа деган кишига тили қотилидур,  
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.*

Улуғ аллома бу ва бошқа тұртликларида таъкидлаганидек, одам аязоларининг ширини ҳам, заҳари ҳам тил, ундан чиқадиган сұздир. Инсон бошқа мавжудотлардан фақат ижтимоий фойдалы мәхнати, ақл-фаросати ва сүзи (тили) билан фарқланади. Булар инсонга она табиат берган, ота жамият бахш эттан энг бебақо мукофот, ҳадя, фазилатdir. Булардан нодонларча фойдаланиш чин инсонга хос әмас; инсон ҳар қандай бало-офатларга бошлича тили туфайли дучор булади. Халқымиз “Оғиз югурғи – ошға, тил югурғи – башға” деб бежиз айтмаган.

Педагог үз тилини бемаъни, беҳаё, қўпол, тингловчи дилига озор берадиган сўзлардан тийиши шарт. Ҳазрат Навоий “Маҳбуб ул-кулуб”да “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Ёмон тишлик андоқким, эл кўнглига жароҳат еткуур, имкони бор ҳар бир яхшилик сўз орқалидур”, – деб ёзган.

Ҳар бир педагог шуни яхши билсинки, инсон қалби – бамисоли гул. У шу қадар нозикки, бир калима ширин сўз билан кўнгилни тоғдек баланд кўтариб юбориш мумкин. Аксинча, бир оғиз дағал, қўпол, ҳақоратомуз гап, муомала билан инсон дилини сиёҳ, кайфиятини расво килиш мумкин. Донолар “Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин”, “Яхши сўз – жон озиги”, “Сўздан сўзниң фарқи бор, ўттиз икки нархи бор” деб бежиз айтмаганлар. Сўз жароҳати тан жароҳатига қараганда оғиррокдир. Ножуя айтилган ҳар бир сўз ўзининг ҳавфли оқибатига эга. Қўпоплик ва дағал муомала – иш, фаолият, режа у ёқда турсин – ҳатто кишиларнинг соғлиғига ҳам путур етказади.

Ширинаханлик нутқ маданиятининг ажралмас таркибий кисмидир. Хуш муомала – инсон куркининг мезони, обруининг тамал тоши. Раҳбар ёки педагогнинг хушмуомалалиги,

ширинсуханлиги жамоа аъзоларининг умрига умр қўшади, хаётига кўрк беради, кайфиятини кўтаради. Бу фазилатлар раҳбарни, нотиккини улуглайдиган юксак хислатлар булиб, ундан учмас хотира колдиради, ҳамма шарафлайдиган, эхтиром билан тилга оладиган, инсонлар қалбida мангу яшайдиган яхши ном қолдиради.

## **П 6об. НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ**

### **1-қисм. Нутқ, маъруза ва мулоқотда тил бойлигидан фойдаланиш**

Ушбу усул педагогнинг нутқ маданиятида ҳал этувчи, гоят мухим ўрин тутади. Педагог нутқининг маданийлиги – унинг билим даражаси, ақл-идроқининг кўлами, фикрлашдаги етуклиги билан бир қаторда – она тилининг бойлигидан фойдалана билишига ҳам боғлиқ.

Донишманлар айтганларидек, тил – инсонларнинг энг мухим алоқа воситаси. Шу боисдан у ижтимоий ходисадир. Нутқ архаик, хорижий, лаҳжага хос сўзлардан холи, соф, ихчам бўлгани, унда сўзлар камбоу, маъно кўп бўлгани яхши; нутқ уткир, яъни жарангдор, мантикий ва стилистик ургули, равон, ҳаммага тушунарли, дона-дона қилиб сўзлангани маъкул.

Тил – ҳар бир педагогнинг куроли, фикрнинг бевосита воқеалика чиқишидир. Донолар таъкидлаганларидек, инсон ақл-заковати, тафаккури ва онгининг энг бой ютуқлари, теран билимлар, кенг миқёсли илм-фанлар, оташин ҳис-туйғулар нутқда очик-ойдин, жарангдор ва жозибадор ифодаланмаса, кўпчиликка номаълум бўлиб қолаверади. Бинобарин, педагогнинг, нотиқнинг вазифаси баён этиладиган фикрларни талаба, аспирант, тингловчилар бевосита қабул қилиб олишига эришишдан иборат. Бу эса нотиқнинг ўз фикрини қандай шаклда ифода қилишига боғлиқ.

Педагог тили тингловчиларнинг ҳис-туйғуларини уйғотадиган, уларни қизиқтирадиган, дикқат-эътиборини нутқ мавзуига жалб этадиган бўлиши лозим. Мавзуни тушунарли ва ишонарли қилиб баён этиш педагог мувваффакиятининг гаровидир.

Тил – моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг самараси; узлуксиз саъй-ҳаракат, имо-ишора, баҳслашув ва мулоқот оқиба-

тида вужудга келган маънавий бойликнинг биллур қотишмасидир. Тил – ҳар қандай миллатнинг қалби.

Улуғ педагог К. Д. Ушинский айтганидек, ҳар бир мамлакатнинг табиати, халқнинг тарихи инсон қалбидан жой олиб, сўзлар орқали ифодаланган. Одамлар ҳаётдан кўз юмаверганлар Оу, бироқ улар яратган сўз халқ тилининг абадий, туталмас бойлиги сифатида сақланиб қолаверган; бинобарин, тилдаги ҳар бир сўз инсон тафаккури, ҳис-туйгусининг оқибатидир. Сўз воситасида мамлакат табиати, халқ тарихи ифодаланган.

Тил инсонга, ўз манфаатларини қондириш учунгина инъом этилган эмас; балки ўз фикр-ўйларини, ҳис-туйгуларини бошқаларга етказиш, ўзидағи ҳақиқат ва илҳом учкунларини ўзгаларда ҳам аланглатиш учун ҳадя этилган.

Шоир Абдулла Жалил ўзининг “Она тили” деб номлаган шеърида тилимизнинг пурхикматлиги, сўзга бой ва сермазмунлигини тавсифлаб, кўп мисралар ёзган. Улар орасида куйидаги тўртлик нутқ маданиятида она тилининг буюк аҳамиятга моликлигини айниқса ёрқин акс эттирган:

*Тилимизда сўзнинг йўқдир ҳисоби,  
Лиммо-лимдир фикрим хазинаси ҳам.  
Нимани ёритса онгим офтоби,  
Сузлай олар тилим уни ўша дам<sup>24</sup>.*

Шоирнинг навбатдаги тўртлигида она тилимиздан фахрланиш туйгулари жўш уриб турибди: бу тилда сўзлаганда ҳар бир фуқарода муқаддас ва ибраторумуз эзгу ҳислар уйғонажаги, бобокалонларимиз сўзлаган бу тилда сузлашнинг ўзиёқ кишида ширин ҳавас-қизиқиши ҳосил қилиши тасвиранган:

*Она тилим десам, ифтихор дилда,  
Уйғонади эзгу ҳислар муқаддас.  
Навоий, Бобурлар сўзлаган тилда  
Сузлашмоқнинг ўзи ширин бир ҳавас<sup>25</sup>.*

<sup>24</sup> Абдулла Жалил. Уйғоқ руҳлар. 69-б.

Педагогнинг нутқ маданиятини эгаллашида она тилидан кейинги асосий уринни бадиий адабиёт эгаллайди. Уни муттасил ва мунтазам уқиб бориш нотикнинг сўз бойлигини оширишига, тасвирили ифодаларни, бадиий ибораларни кўпроқ эгаллаб олишига, халқ орасида кенг тарқалган адабий тил бойликларини териб, ўзлаштириб олишига катта ёрдам беради. Бадиий адабиёт нотикни майший турмуш, ижтимоий ҳаёт билан ўзи билганидан кўра чуқурроқ таништиради, фикрлаш миқёсини янада кенгайтиради, маданий савиясини оширади, мантикий тафаккур салоҳиятини бойитади.

Бадиий адабиётни мунтазам уқиб борадиган халқ олдида тез-тез сўзга чиқиб турувчи педагог, раҳбар ўз нутқида бадиий тасвирлардан уринли фойдаланади, ҳаётдаги айрим воқеаларни, шахсларни бадиий адабиёт қаҳрамонлари билан такқослаш имкониятига эга бўлади, натижада унинг нутқи жонли, ҳаётий, таъсирили бўлади. Масалан, Пиримкул Кодировнинг “Юлдузли тунлар” романини уқиган нотик кишлоқларда, тоф ва адиrlарда боғ-роғлар ташкил килиш ҳакида нутқ сўзлаганида Мирзо Бобурнинг аҳолиси ҳамон узум нималигини билмаган Шимолий Хиндистонга ток навдалари келтириб, узум етиштирганини тасвирлашдан фойдаланиши мумкин.

Иқтидорли шоир Абдулла Жалил “Она тилим” шеърининг учинчи тўртлигига ўзбек тили ҳакиқатан ҳам гўзал, кудратли ва бойлигини уқтириб, бу фазилатларни куйидагича тараннум этган:

*Она тилим, тиллар ичида, энг гўзали, ойи ўзингсан,  
Мақтамайман тилим учидা, энг қудратлиси, бойи ўзингсан<sup>25</sup>.*

Яна бир тўртликда эса шоир тилимизнинг ёқимли, ширинлигини, кишилар бу тилда сўзлашганларида оғизларидан гўё бол томишини, бу тил майнин, дилбар бўлганлиги боис сўзлашувчиларда ифтихор ҳисларини уйғотишини бундай таърифлаган:

<sup>25</sup> Ўша жойда.

<sup>26</sup> Ўша жойда.

Ёқимлисан, ширинсан, тилим,  
Сўзлашгандо худди шакарсан.  
Фахрланиб ўсади кунглим,  
Қандай майин, қандай дилбарсан<sup>27</sup>.

Тилимиз шаънига ўқилган ушбу мадхиядан илхом олган ҳар бир педагог бу тилда сузлашидан фахрланиши билан бирга, уз фикрини тингловчиларга ёқимли, ширин, майин, дилрабо, яъни оромбахш қилиб етказиш; уни ёқимсиз, аччиқ, қўпол, дилозор қилиб юбормасликдан иборат масъулият хисси туғилиши ҳам турган гап.

Нотик қайси тилда сузламоқчи бўлса, ўша тилни пухта, яъни мукаммал, чукур, атрофлича ва аник билиши, билмаганларини ўрганиши зарур. Шаркда энг бой тил деб тан олинган ўзбек тилида суз, атама, номлар ғоятда қўп. Буни ўзбек тилининг қарийб 250 босма табоқдан иборат икки жилдли изоҳли лугатидан ҳам билиш мумкин.

Ўзбек тили асрлар давомида ўзининг лугат таркибини узлуксиз бойитиб, фонетика, грамматика, стилистика, орфографиясини муттасил такомиллаштириб келаётган тилдир. Унда чукур ва кенг маъноли, ранг-баранг синоним, омоним сўзлар мўл-кўл. Лекциясида улардан ўз ўрнида, моҳирона фойдалана олмайдиган педагогни гүё ёғ ичида яйрамаган буйракка уҳшатиш мумкин.

Педагог ўз она тилининг грамматикаси ва лексикасини, орфографияси ва пунктуациясини синчикалаб ўрганиши зарур; чунки улар – нутқнинг пойдевори, товуш, талаффуз, урғу, оҳанг, дикция, интонация, стилистика эса унинг устқуртмасини ташкил этади.

Ўрта Осиё донишманлари ғоят ўринли таъкидлаганлариdek, тил бойлиги ва нутқ маданияти барча даврларда ёнма-ён яшаб келган; нотиклик ўтмишдаги сингари ҳозир ҳам маънавий маданиятнинг энг ишончли таянчларидан биридир.

---

<sup>27</sup> Абдулла Жалил. Уйғок руҳлар. 69-б.

Педагогнинг, ҳалқ орасида нутқ сўзлаб турадиган нотиқнинг тили – бамисоли чолғу асбоби. У, эҳтимол, гижжақдан, ҳам чангдан ҳам нозик ва мураккабдир: тилни ҳам, бу икки асбобни ҳам юзаки билишга асло чидаб бўлмайди.

Ўз нуфузини саклайман, янада юксакликка кутараман деган педагог айтмоқчи бўлган фикрларини аввал обдон уйлаб олсин ва бирор фикрни айтиш зарурати туғилсагина гапирсан; факат шу икки ҳолатдагина гапиргани маъқул; бошқа вазиятда эса сукут саклаган афзал.

## 2-қисм. Нутқ, маъруза, мулоқотда сўз бойлигидан моҳирона фойдаланиш

Педагогнинг сўз бойлиги катта ва хилма-хил бўлса, унинг нутки жозибали ҳамда кўркам бўлади. Бунинг учун ўз мутахассислиги соҳасидаги барча асосий тушунча, атама ва категорияларни пухта билиши, ўз ўрнида, яъни аралаштирмасдан, алмаштирмасдан қўллай олиши керак. Шу билан бирга, у илмий, сиёсий адабиётни, жумладан юртбошимиз асарларини, бадиий адабиётни дикқат билан, синчиклаб, муттасил ўқиб бормоғи лозим.

Педагогнинг сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, эътибори, нуфузи шунчалик баланд бўлади, тингловчи ва талабаларнинг онгига таъсири кучли бўлади.

Мавлоно Навоий сўзнинг маъноси, бинобарин, мазмуни теран, пурҳикмат бўлиши лозимлигини зўр бадиий маҳорат билан ифодалаб, куйидаги мисраларни битганлар:

*Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,  
Маъно гули нутқининг баҳорида дурур;  
Сўзким демасун улки ихтиёрида дурур,  
Сўз яхшилиги чу ихтисорида дурур<sup>28</sup>.*

<sup>28</sup> Навоий. Рубоий ва туюклар. Т., 1994. 38-б.

Тил қанчалик бурро, ширин, ёқимли булса, нотиқнинг фазилатларига янгилари қушилади. У бу уринда Навоийнинг куйидаги рубойисини доимо ёдда тутса, асло кам бўлмайди:

*Суздирки, нишон берур улкка жондин,  
Суздирки, берур жонга хабар жонондин,  
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билки, гавҳари шарифроқ йўқ ондин<sup>29</sup>.*

Педагогнинг асосий қуроли – сўз. У қайралган, бинобарин, ўткир, кўп киррали булиши, вақт ўтиши билан ўтмаслашиб бормаслиги лозим. Бунинг учун педагог бадиий адабиётни, изохли лугатларни, қомусларни кўп уқиши, мутолаа қилиши, нотаниш сўзларни ён дафтарига изоҳлаб ёзиб олиши, вақти-вакти билан такрорлаб туришини тавсия этамиз.

Бироқ педагог сўз, атама (термин), ҳикматли сўз, мақол, идеоматик (аниқ таржима қилиб бўлмайдиган) ибораларни нафақат билиши, балки уларни моҳирлик билан ўз ўрнида ишлата олиши, жонли, қизикарли, равон, тушунарли, зериктирмайдиган қилиб сўзлай олиши ҳам зарур. Шундагина унинг ваъзи, лекцияси бадҳазм бўлмайди, талабаларни ўзига занжирбанд қилиб олади, шунда улар вақт ўтганини ҳам, чарчаганларини ҳам билмай қоладилар.

Педагог нимани гапиришнингина эмас, балки қандай гапиришни ҳам билиши керак. Моҳир педагог нутқ маданиятини тарғиб этувчи, бунга қизиқувчиларга мураббийлик, устозлик килувчи киши ҳамдир. Нутқ маданияти назариётчиларидан бири айтганидек, ўз она тилини ўрганиш, ундан моҳирона фойдаланиш – улуғ иш; агар киши тилни аниқ-равшан билиб олмаса, инсоният тафаккурининг энг буюк ютуклари, энг чукур билимлар ва гоят оташин ҳис-туйғулар унга номаълум бўлиб қолаверади; бинобарин, сўз фикрни ифодалаш қуролидир.

<sup>29</sup> Ўша жойда.

Педагог сўзлаётганда уз-узидан мамнун булиб, тингловчиларни мудроқ бостирадиган ва кунглини ёқимли хомхаёлларга чулгайдиган дабдабали сўзларни ишлатиши керак эмас; аксинча, талабалар қалбида фуқаролик туйғусини, жасоратини, миллий истиқлолдан фаҳрланиш ҳисларини муттасил жўш урдирадиган, фидокорликка, фаолликка даъват этадиган таъсирчан ибораларни, қалбларни гафлат уйқусидан уйғотадиган илҳомбахш сўзларни танлаши керак. Худди Абдулла Орипов ёзган дурдона шеърга Мутал Бурхонов куй басталаган Мадҳиямиздек ҳаммани жунбушга келтириб, юрагини зириллатиб, олга томон ундейдиган оҳанрабо сўзлар керак. Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” шеърида ипак ипга терилган дурдек сўз термалари ҳам бундан кам эмас.

Педагог маънодош (сионим) сўзларни қанчалик кўп билса, ишлатса, нутки шунчалик товланади, кўл ёхуд денгиздек мавж уради, турфа рангда жилоланади, фоятда ифодали бўлади.

Аммо синоним сўзларни ўрни келса-келмаса қалаштириб ташлаш ҳам нотўғри: уларнинг ҳам ўз ўрни, жойи бор. Масалан, “овоз” ва “товуш” сўзлари синонимлардир. Бироқ “сайловда товуш берди” дейилмайди. “Бош” ва “қалла” ҳам – синонимлар; аммо “хизмат бўлса, айтаверинг – калла устига” дейилмайди. “Гапнинг пуст калласини айт”, дейдиларбў, “гапнинг пуст бошини айт”, демайдилар. “Сабр” ва “тоқат” ҳам – синоним сўзлар. Лекин “тоқатим ток бўлди” дейдиларбў, “сабрим ток бўлди” демайдилар. “Бахт” ва “саодат” ҳам – синонимлар. Лекин қиз бола севганига турмушга чикса, “бахти очилади”, дейдиларбў, “саодатини топади” демайдилар...

Маълумки, рус тили жаҳонда энг тарқалган, фоят бой тиллардан биридир. Унинг бошқа тилларга, жумладан узбек тилига таъсири катта булган. Бироқ нотикларимиз сўзлагандан русча сўз ва ибораларни ўз нутқига ноурин киритиб, аралаштириб гапираверишлари асло ярамайди. Лекин рус тилига ҳам, узбек тилига ҳам қадимги ва ҳозирги Европа тилларидан кириб, оммалашиб кетган сўзлар бундан мустаснодир; уларнинг узбек тилида эквиваленти, яъни тенг мукобили булмаса, бундай байнамилал сўзларни ҳеч иккиланмай ишлатаверган маъкул.

Айни пайтда педагог чет сўзларни уринсиз, беҳуда, пала-партиш ишлатиб, хўжакурсинга билимдонлик килмагани дуруст.

Чет тилидан ўзбек тилига бевосита ёки билвосита кириб, сўз бойлигимизга сингиб кетган, эквиваленти булмаган термин ва атамалардан бошқа сўзларни ишлатиш нутқ маданияти доирасига сифмайди. Масалан, “жиҳат” ўрнига “аспект”, “майл” ўрнига “тенденция”, “мажлис” ўрнига “заседание”, “қадаҳ” ўрнига “тост”, “суръат” ўрнига “температ”, “ёрлик” ўрнига “грамота”, “нуксон” ўрнига “дефект”, “таомнома” ўрнига “меню”, “нукта” ўрнига “точка”, “мадхия” ўрнига “тимн”, “кенгаш” ўрнига “совет”, “тушлик” ўрнига “обед”, “бекат” ўрнига “остановка” сўзларни ишлатиш хато булади. Байнамилал сўзларни ишлатганда шу ондаёқ “яъни” сўзи орқали уларнинг маъносини айтиб кетиши зарур.

Лекция ўқиётганда ортиқча сўзларни, кириш гапларни, писанднамо ибораларни билдирадиган жумлаларни асло ишлатмасликни тавсия этамиз. Улар сирасига баъзи ношуд, нунок ўқитувчилар ҳадеб такрорлаб, ишлатаверадиган: ўртоқлар, биласизми, курибсизки, мен сизга айтсан, сирасини айтганда, деди, айтмайлик, демак, иннайкейин каби “нишхурд”, “хашаки”, “текинхур” сўзлар киради. Яна баъзи педагоглар аммо-лекин, ва яна буткул, шуни уқтириши керакки, шуни таъкидламоқ лозимки, ниманинг нимаси, ану, ману каби уринсиз, бемаъни сўз ва ибораларни ишлатадилар. Педагог буларга асло йул қўймаслиги лозим; акс ҳолда нутқнинг “суви кўпбу, тузи оз” булади, тингловчиларнинг жигига тегади, фикрини чалғитади, зериктиради, вақтини олади, нотиқнинг обруини туширади; баъзи тингловчилар, нутқни тинглаш ўрнига унда ишлатилган “хашаки” сўзларни санаб ўтирадилар. Бу сўзларни ҳадеб такрорлайвериш нутқнинг сифатига жуда салбий таъсир кўрсатади, нутқнинг мазмунини сийқалаштиради, адабий тилни булғайди.

Дағал, қўнопол, ҳақоратомуз сўз ва ибораларни ишлатиш нутқ одобига бутунлай зиддир. Сўз тиги билан қалбга етган жароҳат ҳеч бир малҳам билан енгиллашмайди ва тузалмайди. Бир мумтоз шоир айтганидек, “синса кунгил шишаси, талбир бўлмас бутун,

устухон эрмаски, уни рост килса мумиё". Улуг форс шоири Хусрав Дехлавий айтганидек, "юмшокликдан жуда күп дил ром бўлур, куполликдан пишиқ қайта хом булур".

Хар бир педагог сўзлаганда фалсафий маданият талабларига доим риоя қилишини тавсия этамиз. Бу маданиятнинг талабига биноан, ёзища, сўзлаща *тушунча, категория, атама ва термин; қонун, ва принцип; теорема, аксиома, гипотеза* кабиларни фақат ўз ўрнида, алмаштирасдан, айниглаштирасдан ишлатиш шарт. Афсуски, бу маданиятдан бехабар айрим педагоглар *моҳият ва мазмун, сифат ва хусусият, меъёр ва мезон, сабаб ва баҳона, натижа ва оқибат, фикр ва тафаккур, ҳукумат ва ҳокимият, техникум ва билим юрти, давлат ва мамлакат, ойна ва кўзгу, турмуш ва ҳаёт, китоб ва рисола (брошюра), мақола ва тезис, маросим ва урф-одат, инсон ва шахс, декларация ва декрет, нутқ ва маъруза, қарор ва фармон, душман ва муҳолиф, башорат ва каромат* каби тушунчаларни алмаштириб юборадилар. Аслида эса улар эквивалент, яъни бир хил қийматли тушунчалар, синонимлар эмас.

Педагог *сўз, гап, жумла, ибора, фикр, гоя, нутқ* сингари тушунчаларни ҳам аралаштирамай, ҳар бирининг мазмуни, маъносини билиб, ўз ўрнида ишлатиши лозим. Бунинг устига ҳар бир тушунча, атама, сўзларнинг маҳаллий шева, лаҳжаларда ишлатиладиган турларини эмас, адабий тилдагисини ишлатиш зарур. Масалан, инсон ҳақида гап кетганда – *калта* эмас, *пакана*; *дароз* эмас, *новча*; овқат хусусида эса – *монти* эмас, *манти*; *эшик* эмас, *ҳовли*; *төвча* эмас, *токча*; *нина* эмас, *игна* деб айтиш жоиз ва ҳоказо.

Педагоглар ӯзбек тили келишикларини ишлатиш қоидаларини яхши ўрганиб олишлари мухим. Акс ҳолда улар *-нинг* билан *-ни*, *-да* билан *-га* қўшимчаларини алмаштириб ёки уларни уюшик бўлак аъзоларига қўшавериб, тингловчининг асабини таранглаштириб юборадилар. Қаратқич ва тушум келишикларини яхши билмаган нотиқ уларни ўз ўрнига қўйиб сўзлай олмайди. Масалан, "Жанубий Корсядан янги технологиянинг келтирилиши айни муддао бўлди" деган жумлада "технология" сўзига *-ни*

құшымчасы құшиб айтиса, шундай хатога йул қүйилган бұлади. Агар педагог самарқандлық-бухороликлар шевасига үрінсиз тақлид қылса, Университетда дарс беради дейиш үрніга Университетта дарс беради деб юбораверади. 20 нафар үгил-қыз, 10 нафар саёхатчи, беш нафар халқ ноиби ибораларида үгил-қыз, саёхатчи, ноиб сұzlари охирига -лар құшымчасини құшиш ноуриндір. Нутқда бир неча шахс кетма-кет қайд қилинганды ҳам сұнғтисига -лар құшымчасини құшиш (ёзиш) мутлақо ярамайды.

Нутқ маданиятида, нотиқлик санъатида сұз танлаш жуда мухим. Сузнинг қудрати, таъсири, акс таъсири, оқибатиу самараси ҳақида ҳикматли сұzlар үзбек адабиётіда мұл-құлдир. Күйидаги ҳикматлар, оз бұлса-да, шундан далолат беради: Сұздан кучлироқ қурол үйк; сұз инсон (бинобарин, нотиқ) құдратининг құмандонидір; сұз – ҳаётнинг үткір қуроли; сұз нотиқнинг зангламас, доим кескир қуролидір. Ўз үрнида, вактида астойділ айтілған оддий сұз ҳам аксарият ҳолларда енгілмас кучга айланади; бундай сұз нотиқнинг үзини қизиқтириб, гоҳо қизишириб, фаоллаштириб юбориши, тингловчиларни нағислиги билан маҳлиә қилиши мумкин.

Сузларни синчковлик билан танлаб, улардан моҳирона фойдаланиб ифодаланған ҳар бир фикр, ғоя ёки таълимот таъсир миқёси тугамайдын күчдір; унинг кучи ниҳоясиз. Сұз – гоҳо хатарлы қурол, чунки сұз ярасидан күра тиғ жарохатини даволаш осон. Сұз сехридан кучлироқ сехр үйк; жонли, яъни ҳаётій, жарангдор, таъсирли, жозибали сұз мұжизалар яратышға қодир.

Сұз танлашда шева, лаҗжаларда ишлатиладиган, үзбек адабий тили лексиконига сиғмайдын аравақ (қулоқдан йириңг оқиши), сийпанмоқ (сирпанмок), тебрамоқ (тебранмок), уйламоқ, (уйлантирмок), тагойи (тоға), эмранмоқ (сұлимок), шимирмок (симирмок), шипирмок (супирмок), юмуртқа (тухум) сингари сұzlарни ишлатмасликни тавсия этамиз.

Машхұр ёзувлардан бири айтганидек, сұз – буюк күч; чунки унинг ёрдамида одамларни бирлаштириш ҳам, бир-биридан юз күрмас килиб юбориши ҳам мумкин; сұз туфайли меҳр қозониш

ёки нафрат, адватта йўлиқиши хам мумкин; шу боис одамларни бир-биридан мосуво қиладиган сўзни айтишдан сакланмок зарур.

Педагог сўзлашдан олдин, яъни сўз танлаётганда, ҳар қайси сўзниң қадр-қиматини аниқ билиб олгани маъқул; сўз кипини қандай ишга, хатти-ҳаракатга йуллаши билан қимматлидир; ишни сўзда дўндиришдан, яъни оғизда бажаришдан кўра амалга ошириш мушкулроқдир.

Педаголар, олий мактаб раҳбарлари учун ибратли ҳикматлардан яна бири шундаки, бирор сўз айтишдан аввал унинг ортидан “келадиган” оқибатини ўйлаш зарур. Яхши ўйланмай, оқибатини олдиндан чамаламай, ихтиёрий ёки беихтиёр айтиб юбориладиган сўз ҳақиқатга хилоф булиши, муайян бир кишининг иззат-нафсини ерга уриши, қалбини жароҳатлаши мумкин.

Донишмандларнинг ибораси билан айтганда, сўз шамол йуналишига қараб учадиган варрак ёки пуфак эмас; у меҳнат куроли булиб, муайян даражадаги юкни кўтариб туриши зарур. Сўзниң кучи, аҳамияти, қийматини тингловчиларни сўзловчига қанчалик ром этиши ва уларнинг кайфиятини қанчалик ўзгартиришига қарабгина баҳолаш мумкин ва лозим.

Сўз танлашда сўз усталари – атоқли ўзбек адибларининг бадиий асарларидан ва турли ҳикматли сўзлардан моҳирлик билан фойдаланишни тавсия этамиз.

Агар педагог қайси иборани качон ва қандай шароитда ишлатиш жоизлигини билмоқчи, урганмоқчи бўлса, машҳур шоир Шухратнинг қуйидаги тўртлигига кулоқ тутсин:

*Ҳар сўзниң ўрни бор: баъзан кўрку зеб,  
Баъзida нам ўрик ўтидек сўник.  
Қабристон қошига “хуш келибсиз” деб  
Ёзилса, қандайин бўларди хунук.*

Мабодо, сўз танлаётганда ширинсуханликнинг тингловчиларга, айниқса дўстларга қанчалик ёқишини билмоқчи, қайд этмоқчи бўлса, унинг қуйидаги тўртлигини дилига ва тилига жо қилиб олсин:

*Бир илиқ саломнинг ҳикмати қанча,  
Бир ширин каломнинг хислати қанча,  
Қўксингни очиқ тут дўстга, эй дўстим,  
“Дўст” деган бу номнинг қиймати қанча.*

Агар майпарастликни ўз нутқида кораламоқчи, бу одатта салбий муносабатини сўзда ифода этмоқчи булса, шоир Шуҳратнинг қўйидаги ибратли, “нишонга урадиган” тўртлигини келтирса, янглишмайди:

*Кун ичib, ақлингга туширдинг ямоқ,  
Фикрингни, зеҳнингни босди кетмас занг.  
Яна сен сув тўла шишани кўрсанг,  
Ароқ деб уялмай қоқасан томоқ.*

Профессор-ўқитувчиларнинг дафн маросимига багишлиган митингда сўзлашига тўғри келса, қўйидаги тўртликни айтиб берса, марсия ўрнини босади:

*“О, дўстим ўлди”, – деб ўкинманг, ўртоқ,  
Дўстимиздан оламда яхши ном қолди,  
Гўёки она Ер кенг очиб қутоқ,  
Севгандан ўзозлаб, бағрига олди.*

(Шуҳрат).

Ёшлар орасида, хусусан, хунар-техника колежлари талабаларининг ҳузурида нутқ сўзлашга, ҳунарли бўлишининг аҳамияти хусусида гапиришга зарурат туғилса, яна шу таникли шоирнинг қўйидаги тўртлиги келтирилса, нутқ жонланади:

*Ҳунарнинг юлдози порласа тиниқ,  
Соҳиби саодат бўлмогинг аниқ.  
Бил, толе эшигигиң калити – ҳунар,  
Ҳунарсиз бир қушдир қаноти синиқ.*

Педагогнинг зўрма-зўраки, сунъий тарзда сўз ишлатиши аксарият ҳолларда нутқни бузади. Энг ўринли сўзлар ўзидан қўйилиб келадиган, олдиндан саралаб, чамалаб қўйилган сўзлардир; уларни нутқ жараёнининг ўзи айтиб тургандек бўлади.

Хулоса шуки, педагог учун сўз танлаш ва ўз ўрнида ишлатиш ҳам нутқ маданиятидан яхши хабардорликнинг ифодасидир. Бу талабга эътибор бермайдиган педагоглар тилига келган сўзларни, кўпинча синонимларни лоқайдлик билан пала-партиш ишлатаверадилар. Синонимларнинг маънолари бир-бирига яқин, кўпинча улардан бири ўрнига бошқасини кўллаш мумкин. Бирок ҳамма вақт ҳам шундай қилиб бўлмайди. Чунки нуткда ҳар бир сўзниң ўзига хос муайян ўрни, англатадиган аниқ маъноси бор.

Юқоридаги фикрлардан пайқаш мумкинки, сўз бойлигидан ўринсиз, нотуғри фойдаланиш, тушунча ва атамаларни пала-партиш ишлатиш нутқнинг мазмунини бузади, маъносини хира қилиб қўяди, чалкашликка олиб келади.

Ёш педагоглар оғзаки нутқ маданиятини яна республикамиздаги барҳаёт нотиқлардан, сўз усталаридан, гапга чечан ёзувчи, ширинсухан шоир, истеъодди актёрлардан, радио ва телевидение сухандонларидан үрганишлари мумкин ва лозим. Яна театр, давра суҳбати, фан, маданият, санъат арбоблари билан учрашувлар, шлмий анжуманлар, “Маърифат ва маънавият” маркази ўюштираётган учрашувларда иштирок этиб, юртбошимизнинг нутқларини мунтазам эшлитиб туриш ҳам жуда кўп материал ва маҳорат беради.

### **З-қисм. Нутқ ва маърузада қиёслаш усулидан фойдаланиш**

Нутқ маданиятида қиёслаш-солишириш усули ҳам муайян аҳамият касб этади. Педагог бу усулдан ҳам ўринли фойдаланиши мумкин ва лозим. Масалан, улуғ аллома Беруний дангаса, тайёрга айёр кимсаларни асаларилар орасидаги текинхўрларга үхшатади. “Асаларилар ҳам, – дейди бу мутафаккир, – ўз инидан була туриб, ишламай еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди”. Болариларки инстинктив равища шундай қилас экан, бизнинг жамиятда ҳам бундай тайёрга айёр, бокимандаларга ўрин бўлмаслиги керак: ишламаган, тишламасин. Бу ҳақиқатни тан олмаганлар жамоатчиликнинг, жумладан, нотиқларнинг ғазаб-нафрatiга дучор бўлсинлар; уларни аёвсиз қоралаш, қаттиқ танқид қилиш зарур.

Педагог ўз нутқида нафсга қул булиш, уни жиловлай олмаслик, нафс балосига гирифтөр булиш, бойлик орттиришга тиришиш каби иллатларни қоралаётганда Ибн Синонинг қуйидаги тұртлигидан фойдаланса, нутқи таъсирли чиқады:

*Эй нафс, орзу-ҳавас кишинидан кет,  
Бардам ҳимояси учун шитоб эт.  
Дунё, мансаб дема, учма ишвага,  
Дүстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет.*

Суз устаси Абдулла Қаҳхор чуқур фалсафий, ғоят ҳаётій ибораларни, жумладан қиёслашларни, пурхикмат гапларни топиб, үрніга қўйиб гапирадиган, теран фикрни қисқа, лўнда қилиб ифодалаш маҳоратига эга бўлган нотик, шоир, сухандон ёзувчи, сўзамол драматург эдилар. Масалан, “Аяжонларим” драмасидаги бир ҳикоятни олинг: “Жаннатда бир тахт яратилган эмиш, у яхши қайноналарга аталган эмиш. Аммо у ҳанузгача бўш эмиш”.

Атоқли олим, зукко адид, моҳир педагог Шоислом Шомухамедовнинг хотираларида келтирилган, асли Абдулла Қаҳхор билан бўлган сұхбатда у кишининг оғзидан “илиб олинган” қуйидаги мохирона қиёс нотикларимиз учун намуна булишга арзигулиқдир: “Яхши гап пишиб етилган қазига уҳшайди, чайнаган сайнин мазаси чиқаверади”<sup>30</sup>. Қиёс, муаллиф айтганидек, А. Қаҳхорнинг ёзма ва оғзаки нуткига хос ибраторумуз фазилат эди.

Агар ҳозирги ҳаётимизга тааллукли қиёслаш услубига ёрқин мисол зарур бўлса, педагог учун И. Каримовнинг Россия журналистлари билан 1996 йил февралида ўтказилган учрашувда демография ҳақида бир мухбирнинг берган саволига Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни солишитириб берган жавоби типик мисол бўла олади.

**Хулоса шуки, нутқ маданиятида қиёслаш усулидан ўринли фойдалиниш нутқда сайкал беради.**

<sup>30</sup> Шомухамедов Ш. Ҳазиналар жилоси. Т., 1981. 364-6.

#### **4- қисм. Нутқ, маъруза, сухбат, мулоқотларга тарбиявий, гоявий жиҳатларни сингдириш**

Мохир педагог тингловчиларнинг нутқ маданиятини шахсий намунаси билан ҳам тарбиялади. Масалан, у тингловчи, талаба, аспирантларда ўз фикрини аниқ ифодалаш, ҳар бир сўз ва жумлани ишлатишга масъулият билан ёндашиш; ўзбек тилининг гоят бой хазинасидаги сўз жавоҳирларидан усталик билан фойдаланиш малакасини сайқал топтира олади; ибраторуз сўзлари, ёқимли иборалари, намунали ташбиҳларга бой жумлалари, жарангдор талаффузи билан тингловчиларда кўнишка, маҳорат ҳосил этади.

Педагог ширин каломнинг, илиқ сўзнинг жозибаси, сехри, қувватио самараси қанчалик тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини жонли тавсифламоқ ниятида бўлса, бошқа ҳикматлар қатори, Шуҳратнинг қуйидаги тўртлигини тараннум этсин:

*Бир оғиз илиқ сўз айтдинг сен кеча,  
Кўнглимга минг баҳор завқи тўлганча,  
Кундузга айланди қоронгу кечам.  
Бир оғиз илиқ сўз қудрати қанча.*

Фарбнинг улуғ нотикларидан бири уқтириб ўтганидек, оддий буюм, ҳодисаларни содда, улардан катталарини улуғвор, ўртамиёналарини ўзига яраша ифодалай оладиган кишигина ҳақиқий нотик мураббийдир. Демак, нотикликда ҳам меъёрни билиш, ошириб-тошириб ёки камситиб-пасайтириб юбормаслик катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Педагог лекциясидаги асосий жиҳат – унинг гоявий савијаси. У муайян гояни баён этиши, таърифлаб, тавсифлаб, асослаб бериши, ҳимоя қилиши зарур. “Фоя” эса фалсафий атама булиб, “мазмун”, “моҳият”, “маъно”ни англатади; “тафаккур” ва “борлик” категориялари билан ҳам узвийдир. Илмий фалсафада у объектив борликнинг инъикоси ҳисобланади. Муайян гоявийлик – ҳар бир профессор-ўқитувчи учун, унинг нутқ маданияти учун зарур жиҳат.

Фояййлик инсон онгининг хусусияти булиб, моддий объектларни иң ыңғылчылдан билдиради. Педагогнинг олам ҳақидаги билимлари – моддий нарса, ҳодисалар орасидаги узвий, объектив алоқадорликнинг фояййлик ifодаси. Масалан, ҳозирги шароитдаги асосий фояларимиздан бири истиқболни мустаҳкамлаш, уни ёмон ниятли кучлардан саклаб қолишидир. Фояййлик эса ҳар бир тадбирда, жумладан, тингловчилар билан учрашганда ана шу фояни тарғиб этиш, лекцияни у билан бойитиш, унга маломат тошларини отгувчиларга зарба беришда намоён булади.

### **5-қисм. Нұтқ, маъруза, вәзз, мулоқотда халқ оғзаки ижодидан, ҳикматли сұзлардан фойдаланиш**

Лекцияда халқ оғзаки ижодига мансуб ҳикматли сұзлар, рубоий, түртлик, қизиқ-қизиқ иборалардан фойдаланиш талаб этилади. Бадий тасвир, қиёслаш, ҳажвия (юмор) кабилар маърузани қизикарлы килади; талабаларни зериктирмайды; мудратиб, пинакка кетказиб күймайды, ҳордигини чиқаради. Куніга 4-6 соат лекция әшитадиган талабаларни аяш, авайлаш керак.

Агар педагог умуман инсон учун, хусусан үзини тинглаёттан талаба, аспирантлар маънавий камолоти учун билимнинг ажамияти ҳақида фикр юритаётганида қуйидаги ҳикматларни келтирса, фоят ўринли булади, нутқига сайқал беради, үз шинавандаларининг фикр доирасини уфқуларга парвоз эттиради:

*Аеввал бил, кейин қил.*

*Бахт белгиси – билим.*

*Билаги зұр бирни ииқар, билими зұр – мингни.*

*Билак билан битмаган (иши) билим билан битар.*

*Билған үзар, билмаган тұзар.*

*Билған үқирип, билмаган тұқирип.*

*Билдириш учун билим керак.*

*Билим – ақл чироги.*

*Билим баҳт келтириар.*

*Билим – давлат, яни бойликтан қиммат.*

*Билим – күч, күч – билимда.*

*Билимли олим, билимсиз золим.*

*Билимлига дунё ёргу, билимсизга – қоронғу...*

*Юқоридаги ҳикматлар қаторида донишмандаримизнинг*

*Билмасликни биламан дема,*

*Билмаганни қылдым дема,*

*Билмаганни сұраб ўрганған олим,*

*орланиб сұрамаган үзига золим”*

каби наклларини ҳам келтиришни тавсия этамиз.

Тилнинг ҳамма учун, жумладан педагоглар учун қанчалик қадр-  
қимматта эга эканлыги халқ оғзаки ижодидан, ҳусусан мақоллар  
хазинасидан олинган қуидаги ҳикматлардан аён:

*Тил – ақл безаги.*

*Тил – ақл тарозуси.*

*Тил ақл хазинасининг қиличи бўлса, фаросат – гилофи.*

*Тил топилса, душман ҳам дўст бўлар.*

*Ёмон сўздан дўст газабга келар, охири душман бўлар.*

*Тил яхиси бор этар, тил ёмони зор этар.*

*Тилга ширин – элга ширин.*

*Тилда сўзнинг чироий, ҳурмат – тилнинг чироий.*

*Тили нопок – ўзи нопок.*

*Тили шириннинг дўсти кўп.*

*Тилнгда бўлса болинг, кулиб турар иқболинг.*

Педагог бир хил мақол, ҳикматли сўз, рубоийларни ҳадеб  
такрорлайвермай, янги-янгисини топиб ишлатгани маъқул.

Мақолларни ишлатганда ваъз, машғулот мавзусига мос  
келадиганларинигина олдиндан танлаб ишлатинг, қўпол, уятли,  
кишининг иззат-нафсини ерга урадиган, замонага, айниқса илм-  
фанга, соғлом ақлга мос келмайдиганларини асло ишлатманг.  
Масалан:

*Сут билан кирган жон билан чиқар.*

*Тенг тенги билан, тезак қопи билан.*

*Үлгеннинг устига тепган.*

*Қиши бўлса, бурун қутурар, ёз бўлса – хотин.*

*Ёғочнинг бўшини қурт ер, одамнинг юмшогини – им.*

*Пул отанг ким, онанг ким демайди.*

*Сўз билмаган кишидан хура билган им яхши.*

*Тўкилгандан ялаб қол.*

*Қари қиз овга чиқар, кетидан гавго чиқар.*

*У кўз бу кўзга дўст бўлмас.*

*Кўп гап эшакка юк.*

*Им – вафо, хотин – жафо*

каби мақолларни маданиятли киши ишлатмагани дуруст.

Хуроса шуки, милиатнинг, халқнингтина эмас, педагогларнинг даҳоси, акли ва маънавияти ҳам улар ишлатган мақолларда, хикматли сўз, рубоий, туртликларда қуёш томчида акс этганидек инъикос этади.

## **6-қисм. Нутқни аник-равшан, қисқа, бироқ теран маъноли, кенг қамровли қилиш усули**

Машойихларнинг сўзи билан айтганда, энг яхши нутқ – аник-равшан, обдон ўйланган нутқ; энг яхши тил эса – тийилганидир. Бинобарин, ноурин гапларни айтадиганларга оқил кексалар: “Болам, тилингни тийиб юр, у сужксиз, тиймасанг, эгилаверади, букилаверади”, – дейдилар. Педагогнинг олдиндан ўйламай, режаламай гапириши ҳаваскор мерганинг нишонга олмай отиши билан баробардир. Агар у бир гапиришдан олдин икки карра ўйлаб олса, икки бор яхши гапиради.

Педагог ҳамиша сўзларга торлик, мазмунга кенглик зарурлигини унугмасин. У кўп ва теран фикрласа, оз гапиради; чунки оз сўзга кўп мазмун сингдиришга интилади. Баён этиладиган масаланинг мазмуни аввал пухта ўйлаб олинган бўлса, сўзлар беихтиёр қўйилиб келаверади. Шунда нотиқлик гуё фикр наққошлиги бўлади.

Тил бойлиги – тафаккур бойлигининг, тил қашшоқлиги – фикр қашшоқлигининг ифодаси эканлигини күйидаги мұлохазалар тасдиклайды: агар педагогнинг нұтқи ланж, суст, пойма-пой, нұнок, мужмал, қовушмаган бұлса, демак, уннинг фикрлаш қобиляти ҳам шундайдыр. Хар бир нотик үз нуткида аниклик, равшанлик, жозибадорликка әришмоги зарур; бу эса воиздан сұзлашда кисқалик, лұндалик, ихчамликни талаб этади. Тилдаги аник-равшанлик – тиник фикрнинг ташки ифодаси, чунки шундай фикргина равшан сұзлашни таъминлайды. Сұзлашдаги ноаниклик, шубхасиз, фикрдаги ноаникликнинг белгисидир.

Кайси педагог аник-равшан фикр қылса, уни худди шундай баён этади. Тилнинг, маынонинг аниклиги, үткірлігінде интилиш нотиклік саньатини әгаллаш учун курашишдир; бу кураш қанчалик кескин, үткір, аник йүлга солинган бұлса, нұтқ шу қадар самарали бўлади. Сўзга жо булмайдиган хеч бир мазмун йўқ. Педагогнинг нутқидаги сұзлар – фикрларининг ифодасидир, шу боис бу сұзлар ифода этилаётган фикрга мувофиқ бўлмаса, сўз ҳам мужмал, мавхум бўлади. Моҳир нотикдагина фикр равшанлиги ифода аниклиги билан ҳамоҳанг бўлади.

Педагогларга тавсиямиз шуки, улар нимани гапириш ҳар доим ҳам зарур бўлавермаслигини ва қандай гапириш доимо лозимлигини унутмасинлар. Энг кимматлиғоя, фикр, дастур ҳам, агар маҳоратсиз ифодаланса, үзининг қийматини йўқотади; мабодо такрорланаверса, тингловчини диккинафас қиласи. Демак, фикрнинг аниклиги ва равшанлиги ифоданинг ҳам шундай бўлишини таъминлайды.

Донолар талқинича, тил, суз, нутқ равшанлиги фикр, ҳатто тафаккурнинг шундай бўлиши оқибатидир; равшан фикр эса үз шакли-ифодаси ҳам равшан бўлишини тақозо этади. Нотик нимани аник тасаввур этолмаса, уни чалкаш гапиради; ноаник ифода факат шундай фикрнинг намёён бўлишидир.

Оддийгина, яъни ҳаммабоп, аник-равшан, осонгина тушуниб, эслаб қоладиган қилиб сўзлаётган нотикқа тақлид этиш (эрғашиш) аввалига жуда осондек туйилади; аммо аслида бундан қийинроқ иш

**йўқ.** Педагог миясига аниқ фикр келса, у равшан сўзлайди, аммо бу фикрни онгига сингдириб олса, янада равшанроқ гапиради.

Педагог фикридаги хатолар, ноаникликлар нутқдаги хатоларни, улар эса, ўз навбатида, ишдаги, амалдаги хатоларни келтириб чиқаради, талабаларни чалғитади.

Педагог тилидаги аниқ-равшанлик биргина нутқ маданияти, сўзлаш услуби талабигина эмас, балки, энг аввало, маъно, мазмун талабидир; каердаки ноаниқ, мавхум, мужмал, ланж, “тузсиз” гап бўлса, ўша ерда фикр ҳам саёз булади. У ўзининг нотиқлик санъатини намойиш қиласман деб, жимжимадор, тамтароқли ибораларни, усти ялтирок, ичи қалтирок, пўсти оқбўу, ичи кора ёнғоқ, каби пуч гапларни ишлатмагани яхши; мабодо ишлатса, педагогнинг шарти кетиб, парти қолади; “маҳмадона”, “куруқ олиб кочувчи” лақабларини орттиради.

Педагог қуруқ назариядан, яъни амалиёт ва хаёт билан боғланмаган гапларни айтишдан тийилгани маъкул; чунки бундай гаплар порлаб турадиган, лекин харорат бермайдиган билур қандилларга ўхшайди.

Педагог тилининг гузаллиги, биринчи навбатда, унинг аниқлиги ва мазмундорлигидадир. Оддийгина қилиб, равшан баён этиш мумкин бўлмаган ҳеч бир фикр, гоя ёки таълимот йўқ. Бинобарин, аниқлик нутқнинг асосий фазилатидир. Педагогнинг тили, сўзи қанчалик оддий бўлса, шунчалик равшан булади; сўз қанчалик ўз ўрнида ишлатилса, нутқни шунчалик кучли, жозибали ва ишончли қиласди.

Кимматли фикр ва гоялар тиник, аниқ сўзлашни талаб этади. Бундай сўзлаш гўёки хушбичим либос, фикр-гоялар эса шу либос ичидаги пок баданга ўхшайди. Мутафаккир, маърифатпарварлар, нотиқлик назарияси ва амалиётининг тарғиботчилари нутқ маданиятию нотиқлик санъатида қисқа сўзлаш, узундан узоқ, ҳавога тузоқ зайлода әзмалик қиласлик, муайян тадбирда нутқ сўзлашга ажратилган вақт доирасига албатта жойлашиш шартлиги ҳакида кўп ҳикматли тавсия, даъват ва маслаҳатларни баён этганлар. Масалан, улардан бири қисқа нутқ ҳамиша сермаъно ва кучли таъсир этиш хусусиятига эга эканлигини уқтирган, яна бири

нұтқларыда теранлик етишмаган нотиқлар бу камчиликни әзмалик билан күп маңнори англаға олишадыр деган. Улар нутқ маданиятида күп гапиришдан кура лұнда гапириш қийин эканлигини тақидлаганлар. Бу ҳикмат худди мактуб йүллаётгандан күп ёзишга нисбатан қисқа ёзиш қийиндер, деган ҳикматта үхшайды.

✓ Буюк ақл сохибларида оз сүз билан күп маңно беріш хислати мавжуд бүлгани каби, “Моҳир нотик, устаси фаранг педагог ҳам “оз сұзлаЛю, соз сұзла”, деган мақолға амал қиласы. Маңкул сүзласанғ, ҳеч қачон күп сұзламайсан, агар узайиб кетса, әнд яхши нутқ ҳам тингловчини чарчатади, деган ҳикматларға риоя қилиш әнд яхши фазилатларданыр. Бундай нотиқлар – нотиқлик жавохирининг худди үзгинаси: салмоғига қараб нур таратади. Улар асл донолик қисқа ифодаланади, деган қоидага бүйсунадилар.

Улуғ драматурглардан бири айтганидек, ғап кам жойда унинг салмоғи күп бұлады. Қисқа, лекин ифодали ибора бир бор әшитиб англағанади, тингловчи хотирасида мұхрланиб, унинг шиорига айланади, узундан-узок мұлоқазаларда әса бундай бўлмайди.

Педагог фикринингчуваланмаслиги, аксинча, тингловчилар ҳузурида әркин парвоз қилиши учун ғапда қисқалик лозим, чунки фикр ортиқча, “нишхұрт” сұзлар үомида чалкашади. Педагог қанчалик моҳирона сұзламасын, керагидан ортиқ, яъни мавзуга тегишли бўлмаган ғапларни айта бошласа, пировардида нутқ мантигини йўқотади, тингловчилар мийигида кула боштайдилар.

Коидалари аник-равшан, қисқа, бироқ чуқур маңноли, кенг қамровли қилиб ифодаланған хужжатта Узбекистон Республикасининг Конституцияси яққол мисол бўла олади. Масалан, унинг муқаддимасида үзбек халқи қандай омилларга таяниб, қайси принципларға асосланиб мазкур Конституцияни қабул қилғанлыги юкорида қайд этилган хусусиятларни жамулжам қилған холда куйидагича тақидланган:

“Узбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гояларига содиқлигини тантанали равишда өзлон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятыни англаған ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносаб ҳаёт кечиришиларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишини кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзнинг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қиласди".

Юқорицаги жумлаларнинг ҳар бир банди бетакрор, қисқа, бироқ чукур матноли, кенг қамровли, аниқ-равshan тузилган. Педагоглар, раҳбар ходимлар ҳам ўз жумлаларини тузишда бундан намуна олсанлар, нур устига айло нур булажак.

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатидаги муҳим жиҳат – қисқа-қисқа жумла тузиш маҳоратига республикамиз Мадҳиясининг матни ёркин мисол, намуна бўла олади. Уни ёд билмаган, ўз нутқларида фойдаланмайдиган педагог, раҳбар ходим орамизда бўлмаса керак. Аммо ҳали билиб улгурмаганилар бор бўлса, сира кеч эмас, ҳеч бўлмаганидан қўра кеч бўлгани яхши, деган наклга амал қилсинлар.

Агар нутқда инсон тафаккурининг энг юксак чўққилари, фоят теран билимлар, бенихоя кучли хис-туйғулар аниқ-равshan ифодаланмаса, улар тингловчиларга номаълумлигича қолаверади. Бир шоир айтганидек,

*Фоятда мушкулдир нотиқ бўлмоқлик,  
Сафсата сотмоқлик кийинмас унча.*

Педагог, раҳбар ходим ўз нутқида турли қисқартмалардан, рамзлардан фойдаланишда ҳам муайян қоида, тартибга риоя қилиши лозим. Улар институт, университетларнинг ҳали оммалашмаган, кўпчиликка тушунарли бўлмаган қисқартирилган номлари – ТАЙИ, ТДТУ, ТАИ, банк номи – ЎРХБ, ЎРТБ, ТУМ (тўлиқсиз ўрта мактаб) каби қисқартмаларни ишлатмасликлари лозим. Оғзаки нутқда уларни ишлатганда, асосий номини айтиб,

республика, давлат, вилоятга доир сўзларни тушириб қолдириб айтса ҳам бўлаверади. Масалан, Фанлар академияси, техника университети ва ҳоказо.

Хуллас, нутқдаги аниклик қисқалик билан уйғунлашганда таъсирчан, хотирада сақланувчан бўлади.

## **7-қисм. Ваъз, маъруза, сухбат охирида хулоса чиқариш, саволларга жавоб бериш, зарурат туғилгандаги баҳсланиш**

Хар бир педагог, хусусан олий ўкув юртининг раҳбари ўз нутқидаги йирик, маҳсус масалаларни баён этиб бўлгач, уларнинг ҳар бири бўйича, нутқ пировардида эса бутун нутқи бўйича қисқа, аник, равshan, иложи бўлса саналган тарзда хулосалар чиқариши шарт. Акс ҳолда, улар мантиқ фанининг тезис, мантикий асос, ҳукм ва синтез, яъни умумлаштириш, хулоса чиқариш зарурлиги хақидаги талабини бузган бўладилар.

Агар ваъз, маъруза, сухбатдан тегишли хулосалар чиқарилмаса, улар мантикий ниҳоясига етмай қолади, тингловчиларда тугалланган, мукаммал фикр ҳосил бўлмайди. Бунинг устига, хулоса чиқармаслик нотиқнинг билими чала, ўзи уқувсизлигидан ҳам далолат бериши мумкин.

Педагог саволларга жавоб беришда осон йўл танлаб, оддийгина ҳа, ийӯқ, менга маълум эмас, деб кўя қолиши ношудлик аломатидир. Ҳар бир саволга чукур ўйлаб, мазмунини аниқ билиб, унинг ортида нима максад ётганини, мухолиф савол берган бўлса, нимага шама қилаётганини назарда тутиб, қониқарли жавоб бериш зарур. Бу борада Президентимиздан ўrnak олиш керак. И. А. Каримов 1996 йилнинг бошида россиялик журналистлар билан учрашганда, улардан бири “Ўзбекистонда коммунистик партия ташкил этилиши мумкинми?” – деб савол берган эди. Бу савол илмокли, тиканли булиб, унинг заминида куцдан-кўп муддаолар яшириниб ётарди. Буни пайқаган юртбонимиз жавоб беряётганда осон йўл танламади, бу масалани ҳаспушлаб кўя

колмаци; балки, аксинча, унга чукур, батафсил, кенг тарзда, якни ўтмиш тарихига назар ташлаган холда, қийидагича жавоб берди: “Партиялар факат миллий заминда барпо этилиши шарт. Хориждаги сиёсий кучлар иродаси, күмаги билан тузилмаслиги лозим. Зоро, партия мамлакат халқига таяниши, унинг манфаатларига хизмат қилиши даркор”.

Бу жуда “нишонга урадиган”, теран мъяноли ва ёрқин жавоб эди. Унда ҳозирги партияларнинг қандай бўлиши кераклиги, жамият хаётида тутган ўрни, вазифалари, моҳияти киска, бироқ чукур ифодалангандай эди. Президентимиз илгариги партиялар тарихий вазифасини бажариб бўлганлигини, эскиларини қўмсаш тарихни орқага кайтаришга уриниш бўлиши мумкинligини таъкидлади.

Лекция ўқишга пухта тайёрланишнинг яна бир шарти шундаки, педагог мавзу доирасига кирадиган масалаларнинг ҳаммасини пухта, атрофлича билиб олгани яхши. Чунки тингловчилардан ҳар хил саволлар тушиши, савол пардаси ортида нотиқнинг бирор фикрига эътиroz ёки синов бўлиши мумкин. Шундай экан, нотиқ тушган ёзма ёки оғзаки саволга тўла жавоб бера олиши, ўз нутқида олға сурилган ҳар бир фикр, гояни қаттиқ ишонч билан химоя қила олиши шарт.

Мабодо, педагог бирор саволга шу тобда аник-равшан, тўлик жавоб бера олмаса, тахминан, “савол жуда ўринли, долзарб масалага бағишланган, мен жоним билан жавоб берар эдим, бироқ бу масалани чукур ўйлаганим йўқ, уни ўрганиб, тегишли кишилар билан маслаҳатлашиб, кейин жавоб бераман”, деб қўя қолгани маъкул. Мужмал, ноаниқ жавоб бергандан кўра, жавоб бера олмаслигини мардларча тан олган яхши. Агар савол лекция, маъруза, нутқ мавзуига кирмаса, буни ҳам очик айтиш макбулцир.

Ваъз ёки маърузани жонлантиришда баҳслашув, мулоқот, яъни бошқа бир шахснинг фикрини келтириб, унга зид ёки ундан фарқли фикрни келтириш ҳам яхши самара беради. Бу усул тингловчиларни фаоллаштиради. Баъзан у тингловчилар билан риторик мулоқотга айланиб кетади. Масалан, баъзилар Конституциямиз 12-моддасининг 2-қисмдаги “Хеч қайси мафкура

давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас" деган коидани бир ёклама тушунадилар. Аслида бу моддадан халқ, миллат, партия учун мафкуранинг ахамияти йўқ, деган хулоса келиб чиқмайди.

Президентимиз айтганидек, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтаётганда мафкурада ўзгаришлар бўлиши шубҳасиз; лекин эркин бозор иқтисоди билан маънавиятни, мафкурани қарама-қарши қўйишдан эски мафкуранинг ҳиди келади. Биз халқка, миллатга, истиклолни мустаҳкамлашга хизмат киладиган, маънавият, сиёsat билан боғланган илфор, тараққийпарвар мафкуранинг бўлишини истаймиз.

Моҳир педагоглар талабаларнинг баъзан риторик саволларидан ҳам фойдаланадилар. Бу – ўринли усул. Бундай савол асли қатъий тасдиқдан иборат бўлади; бу тасдиқ жуда эҳтирос билан, кучли ҳис-туйғу акс эттирилган тарзда ифодаланади. Масалан, нима учун Президентимиз Россия думасининг СССРни қайта тиклаш ҳақидаги қарорига кескин, қатъий қарши чиқди? Чунки, қарор халқимизни асрлар мобайнида жон берив, жон олив, чексиз алам-укубатлар чекиб, курашиб кўлга киритган мустакилликдан маҳрум этишини, республикамизга четдан кириб келган совет тузумини ва коммунистик партияни қайта тиклаб, ҳудудимизни яна мустамлака ҳолатига туширишни кўзда тутган. Президентимизнинг юкоридаги жавобида қатъият, принципиаллик, шижаот руҳи уфуриб турибди. Бундай нутқ усули тингловчининг ҳис-туйғусига таъсир кучини оширади, унинг эътиборини нутқ мавзуига жалб қиласи, уларни хаяждонлантиради, фикр уларнинг онтига етиб боради.

Хуллас, нутқ маданиятию нотиқлик санъатининг foят муҳим таркибий қисми, педагогнинг масъулияти ва маҳоратини ифодалайдиган шартлардан бири – нутқдаги ҳар бир масаладан, унинг нихоясида эса бутун нутқдан қисқа, лўнда, аниқ, хулосалар чиқариш; оғзаки ва ёзма саволларга қисқа, аниқ жавоб бериш; баҳслashiшга тўғри келиб қолса, ўз мавқеи, нутқтаи назарини қаттиқ ишонч билан, астойдил ҳимоя қилишдан иборат.

### **III боб. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ПЕДАГОГНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИГА ҚҰЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

**I-кисм. Нутқнинг илмий, инноварлы, мантиқан изчили,  
мазмунан бой, жозибадор, шаклан ранг-барап  
бўлиши лозимлиги**

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати тарихига мурожаат қылсак, бу маҳоратларда нотиқнинг билим доираси ҳал этувчи омиллардан бири бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. Ўз нутки обьектини яхши билган, унинг моҳиятини пухта англаған, мавзуини чуқур фахмлаган воизнинг нутқи муайян салмоққа ва муқаррар самарага эга бўлади. С. Иномхўжаев жуда ўринли таъкидлаганидек, “билим хазинасини очиб, элни баҳраманд этиши учун сўзлай олиш маҳорати бўлишлиги ҳам тақозо этилади”<sup>31</sup>.

Нутқ, обьектига таалуқли нарса ёки ҳодисани чуқур, кенг, мукаммал билган педагогтина ўша нарса ёки ҳодисалар хусусида ишончли фикр юритиши мумкин. Билмаган нарса, жараён, ҳодиса ҳакида нотиқ қанчалик чиройли, оҳанрабо, жозибали сўзламасин, барибир, тингловчиларни алдаш, чалғитиш, қўйинни пуч ёнғоққа тўлдиришдан бошқа нарсага эришмайди. Педагогнинг сўzlари сермазмун, кенг мъяноли, салмоқли бўлиши учун у ғоят бой билим соҳиби бўлиши шарт.

Қисқаси, ҳар бир педагогнинг олдига қўйиладиган асосий талаблардан бири унинг муайян мавзууни, ундаги масалани, гояни, турлича карашларни мумкин қадар илмий, мазмунан бой, хотирада яққол сакланиб қоладиган қилиб баён этишдан иборат.

Нутқ қудратли кучdir; чунки у ишонтиради, даъват қиласи, ҳатто мажбур этади. Демак, педагогнинг, раҳбарнинг нутқ сўзлашдан максади тингловчиларни ишонтиришdir.

---

<sup>31</sup> Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. 12-б.

Педагог, олий ўкув юрти раҳбари нутқ сўзлаётганда мустахкам ишонч билан гапирса, сўзлар ҳам куйилиб келаверади, тингловчиларни беихтиёр маҳлиё этади. Унинг фикри қанча теран бўлса, сўзлар ҳам шу қадар жарангдор, ишонарли бўлади. Чиройли гапиришдан кўра ўринли, ишонарли гапириш маъқулроқ. Низомий айтганидек, қалдан чиққал сўз қалбга йўл солади. Юракдан булоқдек отилиб чикқан маънавият кучи эхтирос билан қўшилса, педагогни нотикка айлантиради. Билимдои нотик ўз фикрини қатъий ишонч билан, дангал айтади.

Агар педагог кишиларни ишонтириш ва қайта ишонтириш учун ҳақиқат, ростгўйлик қанчалик зарурлигини, ҳақиқатга эришиш гоҳо фоят мушкуллигини ўзи ва бошқалар учун исботламоқчи бўлса, ҳақиқатгўй шоир Шухратнинг қуидаги байтини келтириши ўринли бўлади:

*Ҳақиқат ўзи келмас, келтиради кишилар,  
Йўлида бор қанча чўп-хас, қанча довон ошилар.*

Нутқ сўзлаганда, маъруза ўқиётганда ортиқча сўзлар, кириш гаплар, писанданамо иборалар, шунингдек, гумонсираш, ишончсизлик, ҳадиксираш, эсанкираш, асабийлашиш, газабланишга асло йўл қўймаслик зарур.

Педагог, айниқса, маъруза қилаётган раҳбар ўз нутки “курук”, ишонарсиз, юзаки бўлмаслигини истаса, ўтмиш (тарих)дан, хозирги ахволдан, илм-фан, амалиётдан ишонарли далиллар келтириши керак.

Маъруза “курук”, далилсиз бўлмаслиги, балки ишончли, хотирада сақланадиган бўлиши учун унда рақамлардан, статистика маълумотларидан фойдаланиш лозим. Аммо уларни ишлата билмок зарур. Пухта ўйлаб танланган гаплар, ўз ўрнида келтирилган рақамлар тингловчиларда ўчмас таассурот қолдиради. Лекин оғзаки нутқда булар, айниқса, катта рақамлар меъёридан ортиқ ишлатилса, лекцияни тинглаш, хотирада сақлаб қолиш қийинлашади. Лекцияда, мабодо зарур бўлса, асосан умумлашма, фоизли, каррали, солиширма рақамларни келтирган маъқул.

Нутқ маданиятида мантиқ фанининг қоида ва талабларига риоя килиш ғоят мухим. Мантиксиз лекция, қолипсиз гиштга ўхшайди.

Қайси бир педагог мантиқ фанидан бехабар бўлса, яъни чала-ярим фикр юритса, юзаки ва қисқа ўйласа, нутқида изчилик бўлмайди. Педагог учун сўз, тил, нутқ, гуё хунарманд қулидаги моддий буюм, бастакор ушлаган соз, рассом ишлатадиган бўёқ, дирижер бармоқларидағи таёқча сингари ғоят зарурый куролдир. Фикр ва сўз, тафаккур ва тил мантиқан мувофиқ бўлиши шарт; баён этилмоқчи бўлган фикр, ғоя, педагогнинг кўрсатмаси, ва тавсияси уларни ифодалашга хизмат қиласидиган сўзлар билан ўзаро ўйғун, ҳамоҳанг, мутаносиб бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда дили бошқабю, тили бошқа қабилидаги номувофиқлик, тескари мутаносиблик, ясамачилик рўй беради.

Педагогнинг, олий ўкув юрти раҳбарининг нутқида мантиқий ургунинг ҳам аҳамияти катта. У муайян жумладаги бирор сўз ёки иборани бўрттириб, уктириб ифодалашга хизмат қиласиди. Ўзбек тилида мантиқий ургу одатда кесимдан олдинги сўз ёки иборага тушади. Масалан, *Raис галла экилган майдонда бирор марта бўлмаган* гапида мантиқий ургу бирор *марта* сўз бирикмасига тушиб, унинг иш фаолияти шу соҳада умуман амалга ошмаганлигини кўрсатади. Агар шу гапни *Raис бирор марта галла экилган майдонда бўлмади* шаклида ифодаласак, унда раиснинг иш фаолияти фақат шу майдонда амалга ошмаганлиги, бироқ бошқа жойда бажарилган бўлиши мумкинлиги англашилади.

Яна бир мисол. Педагог *Биз* учун *Ватан* муқаддасдир деса, мантиқий ургу *Ватанга* тушади ва биз учун фақат Ватан муқаддаслигини ёки энг муқаддас эканлигини билдиради. Мабодо, гапни *Ватан биз* учун муқаддасдир деб тузсак, мантиқий ургу “*биз учун*”га тушади ва фақат биз учун Ватан муқаддаслиги, аммо дунёда Ватанинни муқаддас ҳисобламайдиган ватанфурушлар ҳам борлиги назарда тутилади. *Ҳоким мажлисга келмади*, деган гапда мантиқий ургу *мажлисга сўзига* тушади. Агар *Мажлисга ҳоким келмади* дейилса, бу ургу *ҳоким сўзига* тушади.

Педагог олдига қўйиладиган асосий, ҳал қилувчи талаблардан яна бири шуки, унинг лекцияси мазмуиан бой, далиллари асосли,

эскирмаган, ишонарли, олинган манбалари расмий, тегишли күмита, вазирлик, ҳокимлик тасдиқлаган, матбуотда эълон қилинган бўлиши шарт. Тахминий, бирордан гайрирасмий мулоқотда эшитилган далил, мисол, ракамлар нутқни ишонарли қилмайди, тингловчида шубҳа туғдиради. Далил, мисол, ракамлар, узок вилоят, туман, корхона, муассасадан эмас, балки тингловчиларга яқин, иложи бўлса, уларга дахлдор обьектдан, билим даргоҳидан келтирилгани маъқул. Рақамларни келтирганда шошмаслик керак, чунки айрим тингловчилар уларни ёзиб олишлари мумкин.

Педагогнинг нутқи ёрқин, жозибали, таъсирли, жарангдор, тасвир (образ)ли бўлиши лозим. Нутқда жонлантирувчи жиҳатлар бўлмаса, у қуруқ, бадҳазм, зерикарли бўлади. Нутқнинг мазмуни қанчалик бой, чукур бўлса, унинг шакли ҳам шунчалик ранг-баранг бўлиши унга муносаб жило, сайқал берилиши, бадий бўёқлар билан жозибали қилиниши, тасвирлар билан бойитиши даркор. Бунинг учун ҳикматли сўзлардан, мақол, шеърий парчалардан, ўткир иборалар, тасвир, қиёс ва ўхшатишлардан кенг кўламда, бироқ меъёрида фойдаланишини тавсия этамиз. Булар нутқнинг безаги, кўрки, сайқалидир. Нотик, шу билан бирга, сатира, юмор, истиора, мажозлардан ўз ўрнида, бадий талаффуз билан, шоирона кўтаринки руҳда ишлатса, унинг нутки тингловчини ўзига мафтун этади, гапи “ширали” бўлади, нутки қиёмига етади, тасанно ва оғаринларга сазовор бўлади.

Жозибадор, ҳаётий, педагоглар учун фойдали шеърлар ёзган истеъодли шоирлардан бири наманганлик А. Жалил юқорида қайд этилган “Она тилим” шеърида ўзбекнинг мавжудлиги унинг она тилидек ўткир қуроли борлигига боғлиқ эканлигини, бу иккиси жон билан танадек бақамти эканлигини ва шу боис халқимизнинг толеи зиёдалигини куйидаги тарзда моҳирона тараннум этган:

*Она тилим, сен бор экансан,  
Биз ҳам бормиз ёруг дунёда.  
Сен биз билан жон ила тансан,  
Шундан бизнинг толе зиёда<sup>32</sup>.*

<sup>32</sup> Абдулла Жалил. Уйғоқ руҳлар. 70-б.

Бу мисраларда ҳар бир педагогни она тилимизга чексиз ҳурмат-эътибор билан қарашига, уни күз қорачигидек эъзозлашга даъват хислари жўш уриб турибди.

Нутқ охангининг таркиби қисмларидан бири бўлмиш нутқ суръаги ҳам товушнинг тез ёки секин окимидан иборат бўлиб, нутқ маданиятида муҳим ўрин тутади. Нутқ ҳаддан зиёда тез ёки ҳаддан ташқари секин, суст бўлмаслиги, балки ўртacha тезликда кечиши лозим. Тез гапириш нотик фикрини яхши тушуниб, эслаб қолиши, хотирада сақлашни қийинлаштиради, талабаларнинг ёзиб олишларига имкон бермайди. Секин, суст гапирганда эса тингловчилар мудраб, пинакка кетиб қоладилар. Нутқни бошдан охиригача бир хил оҳангда сўзлаш ҳам тингловчиларни зериктиради.

Хулоса шуки, лекция илмий, ишонарли, мантиқан изчил, мазмунан бой, шаклан ранг-баранг бўлсагина, унга қўйиладиган энг асосий талабга жавоб бера олади.

## **2-қисм. Нуткнинг бадиий, ҳаммабоп, ёқимли, равон, . нотик овозининг созланган, талафузи тиник бўлиши зарурлиги**

Педагог нуткига қўйиладиган талаблардан бири шуки, нутқ матни бадиий жиҳатдан пухта, тили адабий, сўзлари жарангдор, жумлалари ёқимли, гаплари лўнда, лекин мазмуни чукур, сўзлар камбоу, маъно теран бўлиши керак.

Бироқ юқоридаги талабдан лекцияда жозибадор сўзлар, дабдабали, тумтароқ гаплар албатта бўлиши зарур деган эмас, балки, аксинча, ўринсиз бўлса, заарли деган хулоса келиб чиқади. Бунинг ўрнига ҳар бир фикр, гоя, назария, қарашиб, дастурни бадиий, хис-туйғуга таъсир этувчи шаклда эҳтирос билан баён этишини тавсия килямиз.

Педагог ўз талабаларини кизиқтириш, уларга бадиий озиқ бериш учун ўтқир ибора, макол, рубоий, хикматли сўз, ифодали тавсифлардан зеб берувчи воситалар сифатида фойдалансин.

Масалан, яхши қўшикни таърифлагандага “қўшикда, гўё уч киррали олмосга ўхшаб, шоир, бастакор, хонанда ижоди жило топиб, мужассамланган”, – десангиз, нутқингиз бадиий бўёқ билан жилоланади.

Нутқ бадиий бўлиши лозим, деган тавсиядан у баландпарвоз, дабдабали гаплардан, ясама иборалардан, истеъмолдан чиқсан сўзлардан иборат бўлса ҳам майли, деган хулоса келиб чиқмайди.

Педагогнинг нутқи равон бўлиши учун ҳар бир гапнинг сўзлари муайян тартибда жойлашиши зарур. Олдин гапнинг эгаси, сўнг унинг иккинчи даражали бўлаклари, охирида эса кесими айтилади. Масалан, Конституциямизнинг 2-моддасидаги “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулларлар” жумлалари тилимизнинг лексик, стилистик қоидаларига тўла риоя қилиб тузилган.

Педагог сўзлаётган пайтида жумлаларнинг ўзаро мутаносиблигига, яъни нисбатдошлигига қатъий риоя қилиши лозим. Кетма-кет уюшиб келадиган жумлалар воситасида баён этиладиган ва мураккаб фикрни ифода этадиган қўшма гапларда бу қоидага риоя қилиш айниқса муҳимдир. Шунда гапларгина эмас, жумлалар ўртасида ҳам мантиқий боғланиш ҳосил бўлади. Бундай боғланишнинг бузилиши фикрни чигаллаштиради, баъзан унинг нуткини батамом барбод этади. Масалан, Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” деган машхур асарида шундай гап бор: “Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тиклашнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қиласди ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради”<sup>33</sup>. Тўғри, бу парчада гап анча узун тузилган. Лекин бу

<sup>33</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992. 12-13-б.

гап дона-дона қилиб, шошмасдан, тиниш белгиларига мувофиқ тиним билан баён этилса, жумлалар орасидаги изчилилк, мувофиқлик, бир-бирини чүкүрлаштиришга қаратылған маңнолар алоқадорлыги бузилмайды. Нутқда узунрок гаплар, аста-секин, жумлалар оралиғида 1-2 сония тиним беріб баён этилгани маъкул.

Нутқ маданияти педагогдан жумлаларни қисқа-қисқа түзіб сүзлашни, узундан-узоқ гапларни баён этишдан тиийлишни талаб этади. Шундагина тингловчи унинг фикрини үқиб олади. Кадимги Юноистоннинг Лакония вилоятида нотикларгина әмас, хатто оддий одамлар хам қисқа жумлалар түзіб ғаплашар эканлар. Агар бирор нотик жуда узун гап түзіб сұзласа, “биродар, гапни шундай узун түздінгизки, охирига етігүнча бошида нима деганингизни унүтиб қўйдик”. – деб унга танбек берар эканлар. Лўнда гапириш бу ўлқада анъанаға айланган экан.

Нутқда жумлаларни қисқа түзишнинг ёрқин намуналаридан бири Президентимизнинг юкорида әслатиб ўтилган асаридан олинган қўйидаги парчада ёрқин намоён бўлган: “Маънавият тақдирнинг эҳсони әмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, акл ва қўл билан меҳнат килиши керак... Маънавият – инсоннинг, халкнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. Куч йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради”<sup>34</sup>. Бу гапларда фикр равон, лўнда, ихчам баён этилган, мазмун тобора чукурлашиб, кенгайиб борган.

Педагогнинг, раҳбарнинг ўз нутқини равишишдош ва сифатдошлар билан ҳаддан зиёда тўлдириб юбориши ҳам ярамайды. Масалан, “биз фалон корхонага комиссия юборган эдик, унинг раҳбари бу комиссияга ҳозир вақтим йўқ, фалон хонадаги ўринбосаримга учрашинглар, у бўлмаса, фалон хонада бўлим мудири бўлади, у қабул қиласин деб, котибани чақириб, анча топшириклар бериб, ички телефонда гаплашиб, папкасини кўлтиклаб, хайр-хўшни насия қилиб, чарм палтосини кийиб, фириллаб чиқиб кетди; биз

<sup>34</sup> Ўша жойда.

ханг-манг бўлиб қолавердик” тарзида тузилган жумлалар тингловчининг жигига тегиб, таъбини хира киласди.

Нотиклик санъатида педагогнинг талаффузи ҳам фоят катта аҳамиятга эга. Бунга нутқни баси этиш оҳангি, тиним, мантикий ургу, нутқ суръати, товушни сўзлаш каби жиҳатлар киради.

Педагог сўзлаётганда овозининг гоҳ баланд, гоҳ паст бўлиб товланишига алоҳида эътибор берини керак. Бусиз жумла қандай оҳангда, ургу, талаффузда айтилишига караб турлича маънони англатиши мумкин. Масалан, профессор-ўқитувчи нутқ сўзлаётганида талабаларга караб “ўрнингиздан туринг”, “ўтиринг” деган сўзларни ишлатиши мумкин. Булар қандай талаффузда этилишига караб илтимос, ялиниш, истак маъноларини ҳам, буйруқ, дўқ-пўписа, талабни ҳам англатиши мумкин.

Педагог нутқ сўзлаётганда бу сўзларни дўқ-пўписа билан, танбех берилаётган кишининг иззат-нафсини ерга урадиган тарзда талаффуз килмаслиги керак. Перзидентимизнинг Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида 1995-1996 йилларда ўтказилган кенгашларда айрим раҳбарларни турғизиб, ўтқизаётганда қилган муомаласидаги талаффузидан ӯrnak олишни маъқул ҳисоблаймиз. Чунки бу муомалада каттиқ силташ, ўта дилозорлик, хўмрайиш, чимирилиш, овозни нутқ суръатидаги маромдан ошириб юбориш каби тахқиромуз муносабатни сира қўрмадик. Бундай йигинларда Президентдек бир мўътабар одамнинг “айбдорни” турғизиб, ўтқизиб қўйганлигининг ўзиёқ ҳар қандай асаби пўлат кишини ҳам зил кетказиши турган гап. Шу боис нутқ сўзлаётган, лекция ўқиётган педагоглар тан жароҳати кетар, дил яраси қолар деган хикматни ёдда сақласалар, асло адашмайдилар.

Педагогнинг нутқи ифодали бўлмоғи лозим. Бунда эса нутқ интонацияси мухим ӯрин тутади. У оҳанг (мелодика), тиним (пауза), мантикий ургу, нутқ суръати каби таркибий қисмлардан иборат.

Мелодика нотик овозининг баланд-паст бўлиб товланишидир. Бу товланиш спектрдаги етти хил рангнинг бир-бири билан уйғунлашган ҳолда жичоланиб, нур таратиб туришига ўхшайди. Шунине учун нутқнинг ифодали, оҳанрабо, товушнинг ёқимли ва

тиник, равон булиши күп жиҳатдан мелодикага боғлик. У ҳар бир жумла маъноси ва мазмунини ҳис-туйғу иоситасида намоён қилиб беради. Шу боис бир хил тил материалидан тузилган бир жумла турли мелодикада хилма-хил маънони англатади. Масалан, “Университетимизга вазир келди”, десак оддий хабар булади; “Университетимизга вазир келди?!” десак сўроқ ва таажжубни билдиради.

Педагог ўз нутқининг талаффузига, нутқ сўзлаш оҳангига муттасил ва қатъий талабчан бўлмоғи лозим. Биринчидан, унинг овози жарангдор, баланд, тоза, тиник, ёқимли, юмшоқ булиши зарур; иккинчидан, томоқни асраш; хасталикнинг, жумладан, шамоллашнинг олдини олиш лозим. Агар овоз бўғик, хириллайдиган, сўзлаганда йўталтирадиган бўлса, овоз пардаларини даволамагунча дам беришни, нутқ сўзламасликни тавсия этамиз.

Педагог лекция ўқиётганда аниқ-равшан, дона-дона қилиб гапириши, сўз ва жумлалар охирида қўшимчаларни “ютиб”, “ялаб” юбормасдан тўлалигача талаффуз этиши тавсия қилинади.

Бутун лекция давомида бир маромда сўзламаслик, яъни олдин тез, кейин секин суръатда, аввал паст, сунгра баланд овозда сўзлаш нутқ маданиятига шугур етказади. Ҳадеб соатга қарайвериш ҳам маъқул эмас.

Лекция ўқиётганда гапнинг охирги қисмини икки-уч марталаб такрорлаш ҳам педагог нутқ маданиятининг ноchorлигидан нишонадир. Бугина эмас, бир гапда, ҳатто кетма-кет келадиган гапларда айни бир сўзни ишлатиш ҳам нутқ маданиятига хилофдир. Масалан, уюшиқ гапларда бир марта *ва* боғловчиси ишлатилиб, ундан кейингисида ҳам, ҳамда сўзлари ишлатилса, тингловчининг меъдасига тегмайди.

Нутқдаги талаффузда паузанини ҳам муайян ўрни ва аҳамияти бор. У нутқ жараёнидаги 1-2, ҳатто 3-4 сониялик тиним, яъни тұхталишдир. Ёзма нутқдаги тиниш белгилари – вергул, нұктали вергул, тире, икки нұқта, ундов, савол аломати кабилар оғзаки нутқда тұхтам ўрнини, гапдаги айрим сўз ёки сўз бирикмаларининг чегарасини ҳам ифодалайди. Енишда тиниш белгиларининг вазифасини билған нотик ўз нутқида уларга мослаб

пауза қиласы. Масалан, вергүл қўйилган сўзлардан кейин – кисқа, охирига нукта қўйилган гапдан кейин эса – тўлик пауза килинади. Охирига сўроқ аломати қўйиладиган гап – нисбатан баландроқ товушда, ундов аломати қўйиладиган гап эса – охиридаги икки-уч сўзни бўрттириб, ургу бериб, нисбатан кўтаринки овозда талаффуз этилади. Мабодо, ёзма нутқда жумлалар, сўзлар оралиғига тире қўйилган бўлса, бадиий қисмлар ўзаро зидлаб талаффуз килинади.

Юкорида пауза ҳакида айтилган талабларга риоя килмаслик, яъни паузани нотўғри қўллаш шутк мазмуинини буздари, тоҳо уни бутунлай ўзгартириб юборади.

Лекциянинг самарали, таъсирли чиқишида интонация муҳим ўрин тутади. Бу сифат тилнинг кўп қиррали, мураккаб ҳодисаларидан бири ҳисобланади. Интонация мусиқийлик, ёқимли оҳанг, тиниш (пауза), суръат, мантикий ургу каби бир неча таркибий қисмлардан иборат. Моҳирона танланган интонация нуткни жонли ва таъсирли, ишонарли ва жозибали, тиник ва равон қиласи.

Марказий Осиё донишмандлари ўринли таъкидлаганларидек, нотик гапининг таъсири унинг сўзида эмас, балки қайси сўзни қай ўйсинда талаффуз этишидадир.

Кузатишларимизга кўра, айрим сўзларни *михнат*, *миёр*, *муомма*, *ўхшийди*, *чиқмийди*, *нутук*, *ўрун*, *савзи* каби талаффуз этишдан иборат хатолар учрайди. Шеваларга хос – *вотти*, *ўтти* каби қўшимчалар; *ақа*, *бақа*, *шўтка* деб талаффуз этишлар нутқ маданиятига, адабий тил қоидаларига бутунлай зиддир.

Атокли шоир ва драматург Уйғун “Фикр гавҳари” шеърида уқувсиз шоир ҳакида сўз юритиб, бундай деган эди:

*Баъзан шоир яхши фикр топади,  
Аммо уни равшан англата олмас,  
Кераксиз, ортиқча сўз уюмига,  
Кўшилиб қолади топилган олмос.*

Бу танбех ношуд, уқувсиз, гапга нўнок педагогта ҳам ташвиқлидир. Нутқ сўзлаётган педагогда эҳтирос, кўтаринкилил, **иёмон**, ўтиқод, шижаот каби ўткир ҳис-туйғулар ҳам жамулижам **бўлиши** керак. Акс ҳолда, бир шоиримиз ёзганидек,

Эҳтиrossиз юракни демаслар юрак,  
Эътиқодсиз гояни демаслар керак,  
Эзгулик ёр бўлган инсон орзуси  
Доимо ушалган, ушалар бешак.

Хулоса шуки, галаффуз тилнинг юраги (калби). у тилга биргина хис-туйғу эмас, балки ишонч, жозиба ҳам баҳш этади. Нутқда сўзларнинг аниқ-равшан, оҳангдор ва жараангдор талаффуз этилиши лекцияни чинакамига гўзал, оҳанрабо, дилнавоз, оромбахш, ибраторумуз қиласи.

### **З-қисм. Лекциянинг ҳаёт билан, ижтимоий-иктисодий, сиёсий шароитлар, маънавий омиллар, вакт ва жой билан боғланган бўлиши кераклиги**

Лекциянинг таъсирчан, ҳаётий, самарадор бўлиши педагогнинг нутқ сўзламоқчи бўлган жой шароитини, мавзуга доир масалани, долзарб муаммоларни бироз бўлса-да билиши, ўрганиши, мавзуга дахлдор шахслар билан суҳбатлашишини талаб этади.

Нутқ сўзланаётган, лекция ўқилаётган жойдаги жамоанинг ҳаётидан, таълаб ва эҳтиёжларидан узок бўлган гаплар, қанчалик чиройли бўлмасин, барибир, таъсирсиз, мавхум бўлади. Масалан, педагог Кашқадарёдаги жамоалардан бирида, хусусан, олий ўкув юртида нутқ сўзлаётганда, Жizzах вилоятига тегишли мисолни, келтирса, асло ярашмайди. Агар ўзи нутқ сўзлаётган жойда кенг тарқалган эски, номақбул урф-одат, анъаналарни коралаб, уларнинг ўрнига бошқа маросим ва анъаналарни таклиф этмаса, унинг нутқи, ҳаётдан узок бўлиб қолади.

Нутқ сўзланадиган жой, жамоа билан олдиндан танишмаган, лекцияда тингловчиларнинг илмий, маданий савиясини, ёш даражасини, эътиқодини, хатто жинсини инобатга олмаган лектор таваккалчи, ақидапараст, ҳамма ерда бир қолипда сўзловчига айланади, ҳаётдан ажралиб, тўтиқушга ўхшаб кетади; унинг гаплари умумий, мавхум бўлади; мабодо танкид қилса, “уки нишонга тегмайди”.

Нутқ, лекция ҳаётий бўлиши учун турмушдан олинган далил (факт), мисолларга бой бўлиши зарур бўлади. Қисқа, оз сўзлар билан ўз ўрнида келтирилган бир неча типик, ёркин мисол нотик ва педагогнинг фикрини гўё нурлантириб юборади; нутқнинг киймати ва салмоғини орттиради. Бирок мисол, далил, тафсилот меъеридан ошса, нутқни бўшаштиради, суюқлаштиради.

Агар муайян жой экологияси ҳақида сўзлаётган педагог ўз нутқини жонлантирмоқчи, унга бадиий сайқал бермокчи бўлса, атоқли шоирнинг бой ижодидан куйидаги тўртликни келтириши фоят ўринли бўлади:

*Тогда сув ҳамиша тиниқ ва тоза,  
Мен ифлос кўраман уни қуида.  
Дўстларим, қарангиз, қайси bemаза  
Нималар қиляпти ариқ бўйида.*

Педагог, олни ўкув юртининг раҳбари мабодо нутқ сўзлаётган туманда, вилоятда, олий мактабда гийбатчи, имзосиз хат (анонимка) ёзувчи нусхани тавсифлаб, унинг қабоҳату разолат ташувчиси эканлигини тасвиrlамоқчи бўлса, қуйндаги рубоийни келтириши мумкин:

*Очса сўз гийбатчи, сўглар нақди йўқ,  
Бундан ўзга одами баъдахти йўқ.  
Ким хайрли ши қилур, гийбатга ҳеч  
Истагию хоҳиши ҳам вақти йўқ.*

Синчков педагог ўз фикрини тингловчиларнинг билим савияси, илм-фандан хабардорлик даражаси, касб-кори, ахволи руҳияси, яшаш ва ишлаш шароитига мослаб баён этади. Нутқни мазкур омилларни эътиборга олмай сўзлайвериш уни сунъийлаштиради, айримларнинг тушунишини қийинлаштиради, таъсирини сусайтиради, юксак савиядаги тингловчиларга эса нутқ оддий гапдек туйилади.

Нотикнинг вилоят фаоллари йиғилишида ҳам, йирик корхонаниш инженер-техник ходимлари олдида ҳам, атоқли

шахснинг юбилей тантанасида ҳам бир хил савиядада гапиравериши нутқ маданиятига ғоят хилофдир.

Агар юкори лавозимда ишлайдиган раҳбар ўрта, қуий бўғин раҳбарларнинг одил, ҳалол бўлишлари лозимлиги хакида маслаҳат, тавсия, кўрсатмалар бермоқчи бўлса, ўз сўзларига бадиий сайқал бериш ниятида мавлоно Жомийнинг қуидаги тўртлигини келтирса бўлади:

*Агар чиқсаadolatnинг қуёши,  
Таралгай ҳар томон нурин зиёси.  
Агар зулм этса золим, бу ситамдан  
Жаҳон бўлгай қаро, йўқ интиҳоси.*

Хулоса шуки, нутқ, лекция қанчалик ҳаётий; вақт, ўрин, шароит, вазият, моддий ва маънавий омил, долзарб муаммолар билан узвий боғлиқ бўлса, унинг самарааси шунчалик катта бўлади.

## **IV боб. ПЕДАГОГНИНГ ШАХСАН ЎЗИГА ҚҮЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

Нутқ маданияти, айниқса, нотиқлик санъати педагогнинг, раҳбар ходимнинг шахсан ўзига ҳам жиддий талаблар қўяди. У сўзлаётганда, лекция ўқиётгандай ўзини қандай тутиши, ташқи қиёфаси, сўзлаш йўсини, имо-инораси, яъни бош, кўз, юз, тана, қўл ҳаракатлари ҳам муҳим вазифани бажаради.

Маълумки, педагог, олий ўқув юртининг раҳбари сўзлаётганда деярли ҳамма тингловчилар уни кузатиб турадилар. Шу боис ҳар қандай ўринсиз ҳаракат, ножӯя килик уларнинг энсасини қотиради, ғашига тегади. Уларнинг хатти-ҳаракати фикрининг баёни билан уйғунликда, узвий боғлиқликда бўлиши керак. Бўзчининг мокисидек тинимсиз ҳаракатда бўлиш ёки иморат устунидек бир зайлда туравериш тингловчиларга салбий таъсир қиласиди, дикқатини бўлади, зериктириб қўяди.

Лекцияни ўқиётганда, маъруза килаётган киши минбарда каддини тик тутиши, микрофон бўлса, уни бўй-бастига мослаб олиши, эстрада артистидек уни оғзига тиқиб олмаслиги, минбар четларидан бирига ястаниб, энгашиб, букилиб олмаслиги зарур.

Раҳбар ёки педагог сўзламоқчи бўлган гапининг матнини тўла ёки тезислар шаклида олдиндан ёзган, сўзлаш арафасида уни бир бор кўздан кечирган, далиллар, атамалар остига чизиб қўйган, қийин сўзларни такрорлаб, bemalol, тўғри, тутилмасдан талаффуз эта оладиган бўлиши лозим. Талабалар билан юзма-юз муносабатда бўлмай, ёзувга қадалиб, яъни ундан кўз узмай матнни ўқиб бериш лекциянинг таъсирини пасайтиради, лекторнинг обруини туширади; тингловчилар зерикиб, безовталанадилар.

Одатда талабалар педагог лекциясигагина эмас, унинг шахсан ўзига, ўзини тутиши, ахволи руҳияси, феъл-атвори, юриш-туриши, хатто уст-бошига ҳам талабчанлик билан қарайдилар.

Педагог ўзининг навбатдаги лекциясига қанчалик пухта тайёргарлик кўрмасин, унинг матнини аудиторияга бирга олиб бориши, лекция пайтида унга қараб ёки кўз қирини ташлаб

туриши тавсия этилади. Айнанага кўра, лекция гапириб ёки ҳикоя килиб берилмайди, балки ўқилади; чунки шундагина изчилик сақланади, мавзудан четта чиқиб кетилмайди, тартиф, далил, тарихий сана, статистик маълумотларни баён этишда хатога йўл қўйилмайди, талабалар уни бемалол ёзиб оладилар.

Педагоглик – гоят масъулиятли фаолият. Агар педагог ўзи баён этмоқчи бўлган масалани мукаммал, чукур билмаса, унинг педагоглиги – уч пул. Агар у ўзи баён этаётган масалани атрофлича камраб ололмаган, ўрганимаган бўлса, қанчалик моҳир нотик бўлмасин, саъй-ҳаракати бефойда, болаларча зўрма-зўраки бўлади. Ҳакикий нотиклик муайян вазиятдаги йигилишда баён этилиши лозим бўлган жами масалаларни ва, айни пайтда, факат ўшанинг ўзинигина айти **билишладир**.

Эҳтиёт бўлиб гапириш ҳатто нотикликдан ҳам устун эканлигини **унутмаслик** лозим. Нутқда, лекцияда қатнашмаётган киши хақида танқидий муроҳазалар, салбий гаплар айтмаслик керак. Ҳалк ҳикматларидан бирида айтилганидек, бетга айтганинг захри йўқ. Гойибона айтилган адолатли танқид ҳам оғиздан-оғизга ўтиб ўзгариши, ҳатто ҳақорат шаклини олиши мумкин.

Педагогнинг лекциясида ҳам, ҳатти-ҳаракатида ҳам доимо самимият руҳи уфуриб туриши, маъруза ясамалик ва сунъийликдан, “тил учидা” айтилган сўзлардан холи бўлиши лозим. Донолар айтганиларилик, самимий нутқ, май ва муҳаббат сингари, айни шу зайдаги самимиятни юзага чиқаради.

Хар қандай педагог ёки раҳбар тингловчилар олдида сўзлаётгандан кутилмаган ҳолатга тушиб, шошиб қолиши, хаяжонланиши; бунда комиссия ҳайъатидаги нуфузли кишиларнинг, машғулотни назорат қилиш мақсадида кирган кафедра ёки факултет раҳбарининг салобати босиши мумкин. Улар луқма ташлаган пайтда педагог бехосдан ўринсиз сўзлар айтиб юборса, шу ондаёқ узр сўраб хатони, тузатиши, қайта такрорламаслиги лозим.

Шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун лекция мавзуини олдиндан пухта ўйлаб, матнини ўрганиб, конспект тузиб, уни яхши ўқиб, рангили қалам билан энг муҳим жойлари – ракам,

далил, ном, атама сингариларнинг остига чизиб, пухта билиб олиш керак. Ўзига бино қўйган, тингловчиларни назар-писанд қилмайдиган калондимоғ педагогларгина шундай килмайдилар. Бундай “педаголар” кўпинча панд ейдилар, мабодо уша тингловчиларга яна дуч келсалар, улар бундай “нотиққа” қулок солмай қўядилар, шивирлашиб ўтирадилар; йифин раисидан ҳайик-масалар, аста чиқиб ҳам кетадилар.

Педагог, олий ўкув юртининг раҳбари бирор анжуманда, жамоа орасида нутқ сўзлаётганда муайян масалани билмай қолса, нутқ охирида оғзаки ёки ёзма саволга жавоб беролмай қолса, хижолат бўлмаслиги керак. Билар-бilmас, таваккалига жавоб бергандан кўра, узр сўраши, “мен бу масаладан тўла-тўкис хабардор эмас эканман” деб, ҳайъатда ўтирган кишиларга ёки тингловчиларга мурожаат қилиши, “орангизда бу масалани аник-равшан биладиганлар бўлса айтиб берса, мен foят мамнун бўламан” деса, камтарлик аломати бўлади; хижолатдан ҳам бироз кутулади. Бунинг иложи бўлмаса, атоқли шоир Мирмуҳсиннинг қўйидаги шеърини эслатиб, ён дафтаридан ўқиб берса, тингловчиларга бадиий тарбия ҳам беради, ўзининг хижолат даражасини ҳам пасайтиради:

*Билмаслик айб эмас инсон боласига,  
Фан қатраси томиб тураг зеҳн пиёласига,  
Агар инсонга ҳамма нарса аён бўлса эди,  
Улугбек боқмас эди осмон қалъасига.*

Педагогнинг илмий даражаси юқори, илмий ва фахрий унвонлари юксак, ёши анча улуғ, эл-юрт олдидағи хизматлари қанчалик бекиёс бўлмасин, барибир, камтар бўлиши шарт. Унга

*Камтар одам баҳт изламайди, уни баҳт-саодат ўзи излаб топади;  
Камтарлик – камол, манманлик – завол;  
Манманликка берилма – савлатингга керилма;  
Кимтар кўнгил яшинатар, манман – дилни қакшашатар*

**Илони халқ ҳикматларини унугтмасликни тавсия этамиш.**

Педагог лекция ўқиётгандан узини асло мактамаслиги, ютуқларини кўз-кўз килмаслиги, эл-юрт олдидағи хизматни обруи қанчалик юксак бўлмасин, уларни уқтирмаслиги зарур; у мақтаниб тапириш заифликнинг биринчи аломати эканлигини унутмагани маъкул. Мактансоқ профессор-ўқитувчилар фикр, гояда парвоз эта олмасалар, дабдаба услугуга ўтадилар.

Педагогнинг сўзлаш оҳанги, кўз қарашлари, қолаверса, бутун киёфасида ҳам унинг нутқ маданияти, гоҳо нотиқлик санъати акс этади; бу эса сўз танлаш санъатидан асло кам эмас.

Олий мактаб ўқитувчиси, раҳбарининг нутқ сўзлаётгандаги, лекция ўқиётгандаги ёкимли хатти-харакатлари унинг гўзал сўзларидан аълодир. Агар педагогнинг кўзлари бир ҳолатни, тили эса бошқа ҳолатни ифодаласа; кўнии кўрган, “кўзи пишган” синичков тингловчилар, унинг кўзига итионадилар.

Педагогнинг айтатётган ҳар бир сўзи замирида унинг маънавий киёфаси ифодалансагина лекциялари кутилган натижани беради; шунда ўша маънавиятни уйғотган, жўш урдираётган куч сезилиб туради.

Нотиқнинг эҳтирослари булоқдек кайнаб туриши керак. Мужмалик, лоқайдлик, сусткашлиқдан холи кишилар тингловчиларда ҳам эҳтирос уйнотиб, уларни фаоллаштирадилар, ҳис-туйғуларини жунбушга келтирадилар. Бундай педагогнинг тилдан эмас, қалбдан отилиб чиқсан сўзлари айни нишонга тегади, мудрок ҳис-туйғуларни уйғотиб юборади. Нотиқ лекцияни, нутқни сусткашлиқ, ҳафсаласизлик, бепарволик, лоқайдлик билан, тингловчини менсимай ўқимаслиги лозим.

Педагог дарсхонанинг, залнинг фақат бир томонига, шинга ёки настга қараб сўзласа, асло маданиятдан бўлмайди. Бунда тингловчилар унинг эътиборидан ёки унинг ўзи тингловчилар эътиборидан четда колади, нотиқ билан тингловчилар орасида алоқадорлик йўколади; нотиқнинг товуши бутун залга, дарсхонага баробар тарафмайди; эшита олмаётгандар бошқа иш билан шуғулланадилар, шивирланишиб ўтирадилар; бაъзилар пинакка кетишлари ҳам турған ган. Нутқ паст овозда сўзланса, ҳатто энг

ҳафсалали, синчков, сергак тингловчини, талабани ҳам зериктиради.

Умуман, хеч бир педагог, хусусан, нутқ сўзлаётган раҳбар оғиз-бурунларини чимирмаслиги, буриштирмаслиги, кўзларини катта очмаслиги ёки сузмаслиги, хўмраймаслиги, қулларини тинимсиз силкитмаслиги, “бигиз” қилиб тингловчилар томон йўналтирмаслиги, кулоч ёйиб, эгилиб-букилиб гапирмаслиги лозим. Нутқ сўзлаётганда минбарга тиралиб, ястаниб, столларга букилиб олиш ҳам ярамайди. Нотик тупуклар сачраш эҳтимолини назарда тутиб, олдинги қаторда ўтирган тинчловчилардан нарироқда туриб сўзлагани маъкул. Лекция асло ўтириб ўқилмайди; тик туриб, фақат ўнг ва сўл томонга секин-аста юриб ўқилади.

Педагогнинг лекция пайтида ҳадеб оғиз-бурунини аралаштириб артавериши, сув, чой ичиши, қаттиқ аксириши, йўталиши, ҳомуза тортиши, кекириши ҳам маданиятсизликнинг фоят хунук кўринишлариидир.

Нутқ маданиятида педагогнинг ўз овозининг кучини, дарсхона ёки залнинг каттаоқиҷиличигини, тингловчиларнинг сонини, микрофоннинг бор-йўклиги ва узок-яқин қўйилганлигини инобатта олиб сўзлаши ҳам муҳим. Акс ҳолда нутқнинг самараси, таъсири, тинглаш имкониятига зарар етади, нотик иноқулай ахволда қолади. Сўзлашдан олдин микрофон текширилган, қаттикроқ гапирганда “ҳуштак” чалиб юбормайдиган, гирилламайдиган, бир маромда ишлайдиган килиб созланган бўлиши керак.

Нотик очиқ ҳавода ёки микрофонсиз нутқ сўзлаётганда, баланд ва жарангдор овоз билан, сўзларни аниқ-равшан, дона-дона қилиб талаффуз қилиши лозим.

Педагог ҳушёр, сезгир, ҳозиржавоб бўлгани яхши. У лекция давомида тингловчиларнинг кайфиятини, нуткни қандай қабул килаётганликларини кузатиб бориши керак; шунга қараб нутқ мавзуини макбул томонга буриши, ҳатто ўзгартириши, узайтириши, қисқартириши зарур. Тингловчиларнинг чарчагани сезилса, лекцияни, йўл-йўлакай қисқартирган маъкул; вакт доирасига сифмай қолган материални қоғоз ҳошиясига белгилаб қўйиб, семинарда ёздириш мумкин.

Лекин сўзлаётганда ҳеч бир педагог асло хунук, маъносиз товушлар чиқармаслиги керак. Агар керакли сўз, атама, ном, ибора, исм тилингизга келмай, тутилиб колсангиз. ҳеч қандай товуш чиқармай бир лаҳза сукут сақланг, сўнгра сўзингизни давом эттиринг.

Педагог ҳар доим, жумладан, лекция ўқиётганда, халқимизнинг Тилга ихтиёrsиз, элга ёътиборсиз;  
Тан яраси кетар, қалб яраси кетмас;  
Ширин сўз – дил озиги, қўпол сўз – тил қозиги;  
Дилозордан ҳамма bezor

каби мақол ва ҳикматларини доимо ёдда тутгани маъкул.

Педагог ёки раҳбар қаерда бўлмасин, пўписали, тингловчилар иззат-нафсини ерга урадиган сўзларни мутлақо ишлатмагани яхши. У қаерда бўлмасин, буюк мутафаккир Фирдавсийнинг қуидаги оқилюна тавсиясига ҳамиша амал қўлсин:

“Нима сўзласанг, билиб сўзлагил,  
одоб билан юмишоқ сўзлагил”.

Доно халқимиз “ўйнаб сўзласанг ҳам, ўйлаб сўзла” деб маслаҳат беради.

Айтишиларига қараганда, педагогнинг одоби, маданияти унинг нуткига қараганда кўпроқ ишонтиради. Бунинг устига, унинг дили пок, тили кисик бўлмаса, нур устига аъло нур бўлғусидир.

Шунинг учун у ахлоқан бенуқсон, жуда интизомли, талабаларгагина эмас, ўзига ҳам талабчан бўлиши лозим. Педагог, айниқса раҳбар софдил бўлмоғи, ўз мансабини асло суиистеъмол килмаслиги зарур.

Бой ҳаётий тажриба, амалий ҳаёт шуни тасдиқлайдики, ўзига талабчан педагог, раҳбар ўзидан юкори мартабалиларга тил-ёғламалик қилмайди; муайян бир нокулай, мушкул вазият оқибатида юз берган ҳолатда ҳам ҳатто ўз тилидан беихтиёр отилиб чиқиб келаётган сўзни ҳам айта олади; ўзгаларга бирор мулоҳазани айтишдан олдин ўзига айтиб кўради: *пичоқни олдин ўзинга, оғримаса бирорвга ур, деган ҳалқ ҳикматига, ҳамиша амал килади.*

Құпол, хакоратомуз, дилозор сүзловчи билан ҳайвонни мукояса киілган улуғ форс шоири Саъдий Шерозий айтганидек, одам тили билан ҳайвондан устун, аммо тилдан ножоиз фойдаланса, ҳайвондан баттар. Шунинш учун педагог, айникса, рахбар, хар қандай холда ҳам құноллық, дағаллик қилмаслиги, кайтар дунё деганларидек, пировардила ўзи ҳам бу кирдиқорниң қайтимини олишини унутмаслиги керак.

Хулоса шуки, педагогнинг рахбарнинг нутқ сүзлаёттан пайтда ўзини тутиши – юз, құз, қошлар ҳаракати, гавданинг вазияти, құлларининг ҳаракатлари ҳам жуда мухим. Улар нутқ, лекция, маъруза билан узвий боғланған, мутаносиб бўлиши керак. Агар унинг чехраси беларво, қўзлари хўмрайган, қошлари чимирилған, пешонаси тиришган бўлса, қўлларини тинимсиз пахса ёки найза қилиб ёхуд хеч қандай ҳаракатсиз туриб лекция ўқиса, нутқ сўзласа, нутқ маданияти талабларига мос келмайди.

Қисқаси, юз, құз, қош, қўл ҳаракатлари табиий, ўринли, меъёрли, кўркам бўлиши, лекция нутқ мазмунини ўзлаштиришда, хотирада саклаб колища тингловчиларга кулайлик туғдириши қатъий талаб этилади.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚУШИМЧА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

*Жалилов Х.* Лекция пропагандасининг асосий принциплари. Т.: “Билим” жамияти, 1979.

*Иномхўжаев С.* Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. Т.: “Ўзбекистон”, 1972.

Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони / Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. Т.: “Фан”, 1994.

*Ортиқов А.* Воиз // Миллий тикланиш. 1996. 20 август.

*Ортиқов А. О.* Лекторнинг нутқ маданияти: Лекторларга ёрдам. Т.: “Билим” жамияти, 1974.

Абдулла Жалил. Уйғоқ рухлар. Т.: Ёзувчи, 1992.

# МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА .....	3
I боб. НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИКЛИК САНЬАТИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ФОЯВИЙ ИЛДИЗЛАРИ .....	8
1-қисм. Марказий Осиёда ўрта аср воизлик санъати .....	8
2-қисм. Марказий Осиё мутафаккирларининг воизлик санъатига доир фикрОмулоҳазалари .....	27
II боб. НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИКЛИК САНЬАТИНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ .....	32
1-қисм. Нутқ, маъруза ва мудоқотда тил бойлигидан фойдаланиш	32
2-қисм. Нутқ, маъруза, мулокотда сўз бойлигидан мохирона фойдаланиш.....	36
3-қисм. Нутқ ва маърузада қиёслаш усулидан фойдаланиш .....	44
4- қисм. Нутқ, маъруза, сухбат, мулокотларга тарбиявий, гоявий жиҳатларни сингдириш .....	46
5-қисм. Нутқ, маъруза, ваъз, мулокотда халқ оғзаки ижодидан, ҳикматли сўзлардан фойдаланиш.....	47
6-қисм. Нутқни аник-равшан, қисқа, бироқ теран маъноли, кенг қамровли қилиш усули .....	49
7-қисм. Ваъз, маъруза, сухбат охирида хулоса чиқариш, саволларга жавоб бериш, зарурат туғилганда баҳслапшиш .....	54
III боб. ХО'ЗИРГИ ДАВРДА ПЕДАГОГНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР .....	57
1-қисм. Нутқнинг илмий, ишонарли, мантиқан изчил, мазмунан бой, жозибадор, шаклан ранг-баранг бўлиши лозимлиги.....	57
2-қисм. Нутқнинг бадиий, ҳаммабоп, ёқимли, равон, нотик овозининг созланган, талаффузи тиник бўлиши зарурлиги .....	61
3-қисм. Лекциянинг ҳаёт билан, ижтимоий-иктисодий, сиёсий шароитлар, маънавий омиллар, вакт ва жой билан боғланган бўлиши кераклиги .....	67
IV боб. ПЕДАГОГНИНГ ШАХСАН ҮЗИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР .....	70
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚУШИМЧА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	77



Абдурахмон Ортиқов  
Абдуғаффор Ортиқов

НУТҚ МАДАНИЯТИ  
ВА  
НОТИКЛИК САНЬЯТИ  
Ўкув-методик құлланма

Мұхаррир *Сардор Рассоқов*

---

Чоп этишга 2002. да рухсат этилди. Нашриёт хисоб табоги 4,0.  
Адади 3000. Буюртма № . Баҳоси келишилтган нархда

---

